

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:
ББК:

Тўрабеков Давронбек Хотамбековичнинг

**“Хитой тилида оммабоп ибораларнинг лингво-
когнитив таҳлили”**

**5A220102 – ЛИНГВИСТИКА МУТАХАССИСЛИГИ
(хитой тили)**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: ф.ф.н. Носирова С.А.

МУНДАРИЖА

Кириш

**1 боб. Когнитив лингвистика ва унинг замонавий илмий
парадигмадаги ўрни.....**

1.1 Фанлар когнитив лингвистикаси, унинг шаклланиши: манбалари ва
шаклланиш босқичлари.....

1.2 Когнитив лингвистиканинг муаммо, вазифа ва қонунлари ҳамда
атамашунослик базаси.....

1.3 Тил ходисаларига когнитив ёндашув ҳамда белгилаш муаммоси:
концепти, тушунчаси ва маъно-мазмунни.....

1.4 Концепт -когнитив лингвистиканинг асосий тушунчаси
сифатида.....

**2 боб. Хитой тилидаги оммабоп ибораларнинг лингво –когнитив
хусусиятларига кўра лексик –семантик таҳлили.....**

2.1 Оммабоп ибораларни ҳосил бўлишида когнитив усулнинг ўрни ва
аҳамияти.....

2.2 Оммабоп ибораларнинг лексик –семантик таҳлили.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Илова.....

КИРИШ

«Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад - юрт тинчлиги, Ватан равнақи, эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат. Эндиги энг долзарб вазифамиз - бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат».¹

«Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса мутафаккирлари, халқ ва Ватан равнақи учун ҳаётини бағишлайдиган фидоий зиёлилар меҳнат қилиши лозим».²

Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тарбиячилар олдида қўйилган вазифалар ўта улкан бўлиши билан бирга жуда масъулиятли ҳамдир. Чунки, «амалдаги давлат ва жамиятимиз қурилишида, иқтисодиётимиз ва маънавиятимизни шакллантиришда мутлақо янги-янги қадамлар қўйилмоқда, замон талабларига ҳамоҳанг ўзгаришлар рўй бермоқда, аммо мактаб ва ўқув юртларида болаларимизга, эртага бизнинг ўрнимизни босиши лозим бўлган ўз фарзандларимизга рус олимларидан қолган дарслик ва китоблар асосида билим ва тарбия бермоқдамиз. Бундай ачинарли ҳолатларга барҳам бериш вақти келди».³

1. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман.

2. Ислоҳ Каримовнинг "Fidokor" газетасининг муҳбири саноллариға жаноблари. –Т., 2000. 11-б.

3. Каримов И.А. Ўша асар. 12-б.

Мавзунинг долзарблиги.⁴1991 йил ХХР Ўзбекистон мустақиллигини тан олиб, 1992 йил дипломатия муносабатлар ўрнатилгач, икки мамлакат ўртасидаги тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатила бошланди. Ўтган 19 йил давомида икки давлат ўртасида 200 дан ортиқ расмий ҳужжатлар имзоланди.

1992 йил 15 октябрда Тошкентда ХХР элчихонаси 1995 йил 6 майда Пекинда Ўзбекистон элчихонаси очилди. Шу давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов беш мартта (1992 йил, 1994 йил, 1999 йил, 2001 йил, 2011 йил апрель ойида) расмий ташриф билан Хитойда бўлди. Бу буюк давлат билан ўзаро иқтисодий ва ижтимоий – маданий алоқаларнинг, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аста-секин ўсиб бориши, Ўзбекистон учун айниқса истикболли кўринарди. Бунинг устига Хитой ўз ҳудуди жихатидан Ўзбекистонга жуда яқин жойлашган буюк мамлакатдир. Айниқса, ҳар икки давлат Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги учун ҳам кўп соҳаларда ушбу ҳамкорлик чуқур тарихий илдизларга эга. Ундан ташқари охириги пайтларда Республика раҳбарияти томонидан Хитой ва Ўзбек икки томонлама алоқаларига эътиборни кучайтиришаётганлиги ҳаммага аён, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигидаги юқори даражадаги ҳукумат вакиллари томонидан 2005 йилнинг биринчи ярмида Хитой Халқ Республикасига қилинган сафар доирасида қўл қўйилган кенг кўламли ҳамкорлик шартномалари, икки давлат орасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг жуда тез темплар билан ривожланаётганлигининг аниқ далиллари билан бирдир.

Бундан ташқари ўтган давр мобайнида икки давлат Ташқи ишлар вазирлари, Вазирлар маҳкамаси раҳбар ходимлари, парламент делегациялари ва бошқа ҳодимларнинг ўзаро ташрифлари амалга оширилди.

1994 йил да икки мамлакат ўртасида тузилган савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доимий фаолият кўрсатиб

⁴ И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 1994 й. - Б.

келмоқда. Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг чуқурлашиб бораётганлиги, томонлар учун мамнуният бағишлаши табиий, албатта.

Бу икки мамлакатлар ўртасида ижтимоий жабҳаларда кечаётган чуқур ўзгаришлар тимсолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шу маънода Ўзбекистонда хитой тилини ўрганиш, унинг ижтимоий соҳалари билан боғлиқ янги қирраларини кашф этиш муаммолари ўзининг сифат даражасига кўтарилди. Яқин тарихимизда бизнинг ғарб тилларини ўрганишимизда она тилимиз эмас, балки асосан русс тили воситачи тил бўлиб келди. Бунинг натижасида ўзбек мактабларини биттиргач, ўқувчилар чет тилларини ўрганишида кўп тўсиқларга учрамоқдалар. Бундай ноўрин ҳолатларни ўзгартиришимиз, ўзбек боласига чет тилларини ажиб дунёсига бемалол кириши учун имкониятларни тўлиқ очиб беришимиз даркор. Аммо айрим соҳалар борки, улар вақт ўтиши билан тадқиқот объектидан четда қолиб кетиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда хорижий тилларни тўлиқ ўрганишнинг миллий асосдаги методикасини яратишни тақозо этади. Ана шу маънода тажриба борасида ўзининг чуқур ва бой меросига эга давлатларнинг маънавий меросини ўрганиш фойдадан холи эмас. Бу борада Хитойни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади, албатта. У ёки бу халқ миллий қадриятлари меросини ўрганишда унинг авваломбор тили ва маданиятини пухта ўзлаштириш, шаклланиш ва ривожланиш жараёнини тадқиқ қилиш, унинг ўзига хос хусусиятларини билиб олиш, она тили билан қиёслаш лозим. Модомики шундай экан, хитой тилини ҳар томонлама пухта ва мукаммал эгаллаган ёш мутахассисларни таёрлаш давримизнинг муҳим талабларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода, бугунда Хитойнинг оммабоп ибораларини ўрганиш масаласи, кенг маънода айтадиган бўлсак, ўз ечимини кутаётган тадқиқот ишлар сирасига киради. Айниқса, кейинги йилларда ХХРнинг халқаро майдондаги нуфузининг ошиб бораётгани, унинг оммабоп ибораларини ўрганиш масаласини долзарб қилиб қўймоқда. Бинобарин, хитой тили оммабоп иборалари устида тадқиқот олиб бориш,

ибораларга оид лексик ва маъно хусусиятларини ўрганиш, илмий-амалий мазмун касб этиши аниқ. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар нафақат ўзбек тилида, балки бошқа хорижий тилларда ҳам ушбу мавзуга алоқадор бўлган илмий тадқиқотлар олиб борилмаган, ёхуд бошқа соҳаларга қараганда анча сустр ўрганилган. Оммабоп иборалар ҳақида адабиётлар жуда кам ва етарли даражада ёритилмаган.

Магистирлик ишини ўрганилганлик даражаси : хитой тилида оммабоп иборалар юқорида таъкидлаганимиздек алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаган. Бироқ, рус хитойшуноси Ван Лининг “Хитой тилидаги оммабоп иборалар” (WanLi “Han yu zhong de lvxinghua”), А.А.Щукиннинг “Ходячие выражение китайского языка⁵” номли китобларида айнан оммабоп ибораларга бағишланган ишлардандир. Ўзбекистонда хитой тили оммабоп иборалари соҳасини ўрганишга бағишланган тадқиқот деярли йўқ. Оммабоп ибораларни лексик-семантик жиҳатларини таҳлил қилишда турли хил газета, китоб ва журналлардан фойдаландик. Иш доирасида етти семантик турдаги иборалар таҳлил қилинди.

Магистирлик ишининг мақсад ва вазифалари: хитой тилидаги оммабоп ибораларнинг лингво-когнитив хусусиятларини таҳлил қилиш ишининг мақсадини белгилаб беради. Мақсадимизга эришиш ниятида олдимизга қуйдаги вазифаларни қўйдик:

- когнитив лингвистика ва унинг замонавий илмий парадигмадаги ўрнини қўриб чиқиш ;
- хитой тилидаги оммабоп ибораларнинг лингво–когнитив хусусиятларига кўра лексик –семантик таҳлилини амалга ошириш;
- оммабоп ибораларни ҳосил бўлишида когнитив усулнинг ўрни ва аҳамияти ўрганиш;

⁵ А.А. Щукин. Ходячие выражение китайского языка. «Муравей» 2004 год.

Магистрлик ишининг предмети ва объекти: Оммабоп иборалар бевосита диссертациянинг объекти бўлиб, оммабоп ибораларнинг лингво – когнитив, лексик-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш ишининг предмети сифатида гавдаланади.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Мазкур тадқиқотни олиб боришда хитой, ўзбек, рус ва инглиз умумий тилшунослиги бўйича фундаментал ишлар, лингвистика, семантика, функционал синтаксис, генератив грамматика, когнитив лингвистика назарияси, қиёсий типология, неолингвистика, лингвистик структурализм, дескриптив лингвистика, грамматикага бағишланган ишлар, шунингдек атамашунослик ва терминология масалаларига доир адабиётлардан, жумладан, О.С.Ахманова, Бодуэн де Куртенэ, В. Брендал, Г. Бакиева, А. Н. Баранов, И.Н.Бекмуратов, В.В.Винокур, Ван Ли, В.Гумбольдт, В.Г. Гак, Х.Дадабаев, В.П.Даниленко, Н.И.Иброҳимов, А.В. Исаченко, Т.Л.Канделаки, И. М. Кобозева, Н.И.Кондаков, А.А.Каримов, Д.С.Лотте, Дж. Лайонз, С.А.Носирова, А.А.Реформатский, Г.Рондо, Ф.Риггз, Қ.П.Содиқов, В. Томсен, Н. Хомски, А.Ҳожиёв, Хуан Дингчи, О.Н.Шоматов, Ян Синъань ва бошқаларнинг илмий – назарий қарашларига таянилди.

“Хитойча –русча луғат”, “Тўрт жилдли хитойча- русча луғат”лар тадқиқот учун манба бўлиб хизмат қилди. Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонасида мунтазам келиб турадиган хитой тили даврий нашрлар-газета ва журналлардан кенг қамровли фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқот методи. Мавзуга оид тўпланган материаллар ҳозирги замон тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган когнитив, қиёсий-тарихий, эмпирик, дистрибутив методлар, конструктив, диахроник ва синхроник, тавсифий, таҳлилий, когнитив, компонент ҳамда статистик ва интерпретация методлари ёрдамида таҳлил этилди.

Тадқиқот ишининг янгилиги.

1. Хитой тилидаги оммабоп ибораларнинг семантик турлари таҳлил қилинди;
2. Оммабоп ибораларнинг лингво-когнитив хусусиятлари ўрганилиб чиқилди;
3. Ибораларни ўзбек тилига таржима қилишда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Мазкур иш Хитой аҳолиси ҳаёти билан қизиқувчилар, иш юритиш билан боғлиқ соҳа хизматчилари, шарқшунослар, айниқса, хитойшунос талабалар учун амалий қўлланма вазифасини ўташи мумкин. Диссертация таркибига кирган ибораларнинг таҳлили Хитойликларнинг маданиятини, тарихини, фалсафий қарашларни тушунишда, оғзаки нутқ сир асрорларини англашда ўқувчиларга катта ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, мазкур тадқиқот адабий манбаларни таржима қилишда, даврий нашрларда чоп этилаётган турли маълумотларни когниция нуқтаи назаридан тушунишга, шу соҳада турли хил сўзлашгичлар, луғатлар яратишда амалий манба сифатида ёрдам бериши мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультети Хитой филологияси кафедраси йиғилишида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия қилинган.

Тадқиқот ишининг тузилиши:

Магистирлик диссертацияси кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш қисмида ишнинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, илмий аҳамияти, методологияси ҳақида маълумот берилди.

Ишнинг биринчи боби “Когнитив лингвистика ва унинг замонавий илмий парадигмадаги ўрни” деб номланган, ушбу боб ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда 4 параграфга бўлинган: биринчи параграфда “Фанлар

когнитив лингвистикаси, унинг шаклланиши: манбалари ва шаклланиш босқичлари” ҳақида, иккинчи параграфда “Когнитив лингвистиканинг муаммо, вазифа ва қонунлари ҳамда атамашунослик базаси” ҳақида, учинчи параграфда “Тил ҳодисаларига когнитив ёндашув ҳамда белгилаш муаммоси: концепти, тушунчаси ва маъно-мазмун” ҳақида ва тўртинчи параграфда “Концепт -когнитив лингвистиканинг асосий тушунчаси сифатида” мавзулар доирасидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Ушбу маълумотларни ишнинг боби доирасида таҳлил қилиш, ўрганиб чиқишнинг сабабларидан бири-ўзбек тилида когнитив лингвистика ҳақида тўлиқ маълумот йиғиш, ушбу маълумотларни “Хитой тилшунослиги” фанининг замонавий лингвистика турлари ҳақида маърузалар матни сифатида ишлатишдир.

Ишнинг иккинчи боби “Хитой тилидаги оммабоп ибораларнинг лингво – когнитив хусусиятларига кўра лексик –семантик таҳлили” деб ном олган. Ушбу боб икки параграфдан ташкил топган бўлиб, биринчи параграф “Оммабоп ибораларни ҳосил бўлишида когнитив усулнинг ўрни ва аҳамияти”, иккинчи параграф “Оммабоп ибораларнинг лексик –семантик таҳлили”га бағишланган. Диссертациянинг хулоса қисмида таҳлил натижалари умумлашган ҳолда ҳавола этилган. Диссертацияда хитойча мисоллар транслитерация ҳолатида лотин алифбосида берилган.

1 БОБ. Когнитив лингвистика ва унинг замонавий

илмий парадигмадаги ўрни

1.1. Фанлар тизимида когнитив лингвистика, унинг шаклланиши: манбалари ва шаклланиш босқичлари.

Инсон тафаккури, фикрлаш қонуниятларини узоқ даврдан бери мантиқ, фалсафа, физиология, психология ўрганади. Масалан, фалсафада гносеология деб номланган бир бўлим бор, бу бўлим айнан тафаккур, идрок этиш назарияси билан шуғулланади. Шунинг учун когнитивизм улкан анъанага эга, унинг илдизи антик давргача ҳам етиб бориб тақалади, деб айтиш мумкин. Аммо когнитивистика доирасида аввалги эски саволлар ўзгача маъно олди. Масалан, реалия (буюм, нарса, ҳодиса, воқеа)ларнинг турли табиати уларни онгда турлича акс этилишини шартлаб беради: бундан баъзилари кўргазмали образ сифатида намоён бўлса, иккинчилари, содда тушунча, учинчилари эса, рамзлар тарзида намоён бўлади. Когнитивизм бу – фандаги йўналиш бўлиб, унинг ўрганиш объекти инсон фикрлаши тафаккури ҳамда булар билан боғлиқ бўлган ментал (рухий) жараён ва ҳолатлардир. Бу инсон фаолияти жараёнида дунё, оламни билиш ва идрок этиш, тафаккур юритиш ҳақидаги билимдир. Ҳозир когнитив революция ҳақида сўз юритишяпти. Машҳур америкалик тилшунос Н.Хомский шундай ёзади: “Когнитив революция тафаккур/мия ҳолатига ҳамда улар инсон хулқини қандай шартлаб беришига мансубдир. Айниқса, когнитив ҳолаталрга, яъни билим, идрок этиш, талқин қилиш, ишониш, эҳтиқод ва х.к.лар каби ҳолатларга”.⁶ Билим ва ахборот билан боғлиқ бўлган процессларни когнитив ёки когниция деб номлашади. Уларга синоним тарзда “тафаккур”, “ментал”, “ақл-идрокли” сўзлари ҳам

⁶ Киров Е.Ф. Когнитивная модель деятельности// Русское слово в мировой культуре. Пленарные заседания: Сборник докладов. Санкт Петербург., 2003. –С.243.

ишлатилади. Когнитивизм нуқтаи назаридан инсон ахборотни қайта ишлаш сифатида ўрганади. Инсоннинг хулқи эса, унинг ички ҳолатлари атамаларда тасвирланади ва тушунтирилади. Бу ҳолатлар жисмонан намоён бўлади, уларни кузатиш мумкин. Бунда мазкур ҳолатлар вазифаларни рационал тарзда ечиш учун ахборотни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда тўплаш сифатида талқин қилинади. Когнитивизмни энг муҳим тамойиллари қаторига инсонни ҳаракатда бўлган ахборотни фаол идрок этувчи ва ишлаб чиқарувчи, ўзининг тафаккур фаолиятида маълум схема, программа, режа, стратегия билан раҳбарланадиган субъект сифатида талқин қилиш ҳам киради. Когнитив фаннинг ўзи эса, инсон миёсида ментал жараёнларни бошқарадиган умумий тамойиллар ҳақидаги фан сифатида ўрганилади. Замонавий тадқиқотчилар когнитивизм бир неча илмий йўналишларни бирлаштирганини кўрсатадилар: когнитив психология, маданий антропология, сунъий интелектни моделлаштириш, фалсафа, нейро фанлар, илгвистика ва х.к.лар. бу борада когнитивистиканинг фанлараро характерини таъкидлаш лозим. Когнитивистиканинг “туғилган куни” деб Ж.Миллер 1950 йилларнинг ўртасида бўлиб ўтган ахборот назарияси бўйича симпозиумни номлайди. Бошқа америкалик профессор Ж.Брунер эса, шу пайтда илк бор когнитив жараёнлар табиати ҳақидаги маърузани ўқий бошлади. Ж.Миллер билан биргаликда улар 1960 йилда Гарвард университетида когнитив тадқиқотларнинг биринчи марказини ташкил қиладилар. Когнитивизм нима янгилик киритади? “Когнитивизм инсон тафаккури ҳақидаги вазифаларни ечишда сериявий, яъни “саноат, ишлаб чиқариш” услубига таянади”.⁷ Бугунги кунда когнитивизм атамаси билан куйидагиларни номлайдилар:

- инсоннинг “фикрлаш механизми”ни тадқиқ этиш дастури;

⁷ Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. 1994. №4. –С.17-33.

- инсонга турли каналлар орқали келадиган ахборотни қайта ишлашни ўрганиш;
- дунёнинг ментал моделларини тузиш;
- ҳар хил турдаги когнитив актларни таъминлаб берувчи тизимларни тузилиши;
- инсон ва компьютер дастури орқали табиий тилда баён этилган фикрларни тушуниш ва шакллантириш;
- матнни тушуниш ва тузишга қобилиятли бўлган компьютер дастури моделини яратиш;
- тафаккур актларига хизмат кўрсатувчи руҳий жараёнларнинг кенг спектори.

Когнитивистикада асосий эътибор инсон когнициясига берилади, бунда нафақат кузатилаётган ҳаракатлар тадқиқ этилади, бунда билимлар асосида ҳаракатларни вужудга келтирувчи, уларнинг ментал репрезентациялари (намоён бўлиш), яъни ички тасаввур, моделлар, рамз, инсон стратегияси ўрганилади. Инсоннинг когнитив дунёси тилнинг фаол иштирокида кечаётган хулқи ва фаолияти бўйича ўрганилади. Тил эса, ҳар қандай инсон фаолиятининг нутқий фикрловчи асосини ташкил қилади, яъни инсон фаолиятининг мотив, нуқтаи назари, ҳаракатини шакллантириб натижасини прогнозлаштиради. Шундай қилиб, когнитив лингвистикада марказий категория бу, билим категорияси, билимлар тури муаммоси ҳамда уларнинг тилда намоён бўлиш услубларидир. Чунки айнан тил билимни қайд этади, сақлайди, қайта ишлайди ва етказиб беради.

Когнитив лингвистика бир нечта нарсаларнинг ўзаро таъсири остида вужудга келди.

1. Когнитив фан (cognitive science), 认知科学 -ren zhi ke xue- **когнитология** ёки **когнитология** деб номлаш мумкин, унинг ўрганиш предмети инсон билимларини тузилиши ва фаолият юритиши, бу фан сунъий

интеллект номи билан маълум бўлган инженер фанини ривожланиш натижасида пайдо бўлди. Когнитив фан қуйидаги фундаментал ғояга асосланган: “тафаккур билимининг фрейм, режа, сценарий, моделлар ва бошқа тузилмалари турдаги ички (ментал) репрезентацияларини манипуляциясидир”.⁸ Демак, биз тузилмалаштирилган билимнинг глобал квантлари сифатида концептлар билан фикр юритамиз. Когнитив фан атамасининг ўзи 70 йилларнинг ўртасидан бошлаб, инсон томонидан ахборотни ўзлаштириш ва тўплаш, ишлатиш жараёнлари тадқиқ этиладиган соҳани белгилаш учун қўллана бошлади. Когнитив психология нуктаи назаридан инсон миясининг энг муҳим қобилияти ҳаёт предмет ва ходисаларини таснифлаш ва категориялаштиришдир. Категориялаштиришнинг маҳсулоти – категориялар бизнинг когнитив аппаратимизнинг қисмини ташкил қилиб, узоқ муддатли хотирада сақланадиган ментал концептлар сифатида тушунилади. 70 йилларда сунъий интеллект моделлаштирилишини амалга ошираётган инсоннинг интеллектуал жараёнлари “инсон тафаккурининг универсал қонунларига” келтириширилиши мумкин эмаслиги фикри пайдо бўлди: аксарият интеллектуал вазифалар инсон томонидан вакуум ёки топ-тоза қоғоздан эмас, балки мавжуд бўлган билимларга таянган ҳолда ҳал қилинади. Баъзи бир интеллектуал вазифалар эса, айниқса, образларни тушуниш ва матнни талқин қилиш олдиндан мавжуд бўлган билимларга таянмаган ҳолда, умуман ечилмайди.

2. Когнитив психология – психолингвистика тажрибасига асосланган бўлиб, ундан ўз мақсадлари ҳамда бошқа фанлар билан боғлиқлиги туфайли анча кенг бўлган. Когнитив лингвистика когнитив психологиядан концептуал ва когнитив моделлар тушунчасини ўзлаштиради. Гап шундаки, тилнинг фаолият юритиши ҳақиқатда ҳам, психологик механизмларга таянган, чунки

⁸ Петров В.В. Язык и искусственный интеллект: рубеж 90-х годов// Язык и интеллект. –М.: Прогресс, 1996. –С.5.

тил инсонни дунё билан ўзаро таъсирининг категориялаштирилган тажриба ёки билимини тўплаш ва сақлашда энг муҳим халқадир. Ҳар қандай тажрибанинг асоси идрок этиш ва хотира бўлганлиги сабаб тафаккур, идрок ва тилни ўрганиш психология доирасида тадқиқ этиладиган перцептив жараёнлар хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда мумкин эмасдир. Аммо лингвист ва психологларнинг ўзаро ҳаракати 2 жиддий тўсикқа дуч келди: ўз методологияси бўйича фанларнинг “семиотик” қаторига мансуб бўлган лингвистика ҳамда фанларнинг “жисмоний” қаторига мансуб бўлган психология каби жуда кучли даражада фарқланувчи икки гуманитар фанни топиш қийин.

3. Лингвистик семантика. Баъзи бир тадқиқотчилар когнитив лингвистикани “жуда чуқур семантика” деб белгилайдилар ва уни семантик ғояларнинг табиий ривож сифатида ўрганадилар. Улар тил семантикаси категориялари ортида умумий тушунча категорияларини кўрадилар. Бу категорияларни инсон томонидан идрок этиш жараёнида дунёни ўзлаштириш натижаси деб намоён қилишдир. Когнитив лингвистикани семантик муаммоларга бўлган кучли эътибори ҳамда уни лингвистик семантикага методологик яқинлиги бир қатор муаллифларни, айниқса, Россиядаги муаллифларни когнитив лингвистика ёки грамматика ҳақида эмас, айнан когнитив семантика ҳақида гапиришга интилишини асослаб беради.

Келтирилган манбалардан ташқари когнитив лингвистикани шаклланишида қуйидагилар ҳам ўз ролини ўйнайди:

- тил тузилмасида нима универсал эканлигини яхшироқ англашишга имконият берувчи лингвистик типология ва этнолингвистика маълумотлари;
- тилни инсон миясининг ментал фаолиятини идрок этиш асоси сифатида ўрганадиган нейролингвистика;

- когнитив лингвистика билан тилга эга бўлиш ва фойдаланишнинг умуминсоний механизмлари билан боғлиқ бўлган умумий муаммоларни бирлаштирувчи психолингвистика. Билимларнинг у ва бу соҳаси тил онги ва тил шахси, дунё тасвири, англашнинг турли даражаларида ментал жараёнларининг ўзаро таъсири билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиб чиқишни назарда тутди;
- концептларни пайдо бўлиши ва фаолият юритишида маданиятнинг ролини ўрнатишга имконият берган маданиятшунослик;
- сўзлар маъносининг ривожланиши ҳақидаги қиёсий-тарихий тилшуносликда тўпланган маълумотлар.

1.2. Когнитив лингвистиканинг муаммо, вазифа ва қонунлари ҳамда атамашунослик базаси

90 йилларнинг бошида В.З.Демьянков когнитивистиканинг 4 вариантыни ажратди:

- 1) стимул ва реакцияни бирлаштирувчи механизм инсон “ўйловчи машинасини” кириши ва чиқишини тасвирлаш ва тушунтириш;
- 2) инсонни ички ментал табиати ҳодисаларини тадқиқ этиш;
- 3) субъектга ўз харақталарининг манбаси, инициатори сифатида урғу бериш;
- 4) аффеқтлар билан қиёслаган ҳолда когнитив жараёнлар махсуслигини ўрганиш.⁹

Ривожланишнинг ҳозирги пайтда когнитив лингвистика олдига 3 асосий муаммо қўяди: тил билим табиати, унинг ўзлаштирилиши ва уни қандай

⁹ Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. 1994. №4.

ишлатилиши ҳақида. Шунинг учун тадқиқотлар асосан қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

а) мазкур белгиларда тақдим этилган билимларнинг тур ва хиллари ҳамда бу белгилардан билимларни олиш механизми, яъни талқин қилиш қоидалари;

б) белгиларни пайдо бўлиш ва ривожланиш шартлари ҳамда уларни фаолиятини тартибга солувчи қонунлар;

в) тил белгилари ва уларда акс этилган маданий реалияларни муносабати.

Вазифалари: замонавий тасаввурларга мувофиқ тилнинг умумий назариясининг асосий вазифаси табиий тилга ишлов бериш механизмини тушунтириш, уни тушуниш моделини тузиш. Мазкур модел асосида билимнинг ҳар хил турлари ўзаро ҳаракатда бўлгани ҳақидаги тезис ётганини ҳисобга олиб, лингвистика тилнинг умумий моделини тузишга бўлган монополияга эга эмас деб айтиш мумкин. Лингвистик назария тил нима саволгагина эмас, балки инсон тил орқали нимага эриша олиши каби саволга ҳам жавоб бериши лозим. Бу борада, когнитив лингвистиканинг вазифаларини қуйидагиларни тушунишга ҳаракат сифатида белгилаш мумкин:

- 1) дунёни идрок этиш ва англаш жараёнларида тил иштироки роли қандайдир?
- 2) Концептуал тизимларини тил тизимлари билан мутаносиблигини аниқлаш, онгнинг когнитив тузилмалари тил бирликлари билан айнан қандай мутаносибликда бўлади?
- 3) Тил дунё ҳақидаги ахборотни олиш, қайта ишлаш ва етказиб бериш жараёнларида қандай иштирок этишини аниқлаш.
- 4) Билимларни концептуаллаштириш ва категоризациялаштириш жараёнларини тушуниш, маданият констанцияларини тил орқали

категориязалаштириш ва концептуаллаштиришнинг восита ва услубларини тасвирлаш.

- 5) Концепт соҳасини ташкил қилувчи ва уни қисмларга ажралишининг асоси бўлган универсал концептлар тизимини қандай тасвирлаш мумкин?
- 6) Дунё тил тасвири дунёнинг илмий ва одатий тасвирини тил тасвири билан муносабати муаммоларини ҳал қилиш.

Рус олимлари А.Н.Баранов ва Д.О.Добровольский когнитив лингвистиканинг 7 қарашни олға суришди:¹⁰

1) когницияларни бирлаштириш ҳақидаги қараш: сўз, грамматик категория, синтактик тузилма, нутқнинг услуб ва регистрлари маъноси ортида когнитив тузилмалар мавжуд. Билимлар унсурлари дунёнинг фрейм, сценарий, режа ва моделидир. Сўз маъносини сценарий ва фрейм орқали тасвирлаш анъанавий тилшуносликдан кўра аниқроқ ва тежамкор бўлади.

2) лингвистик ва экстралингвистик билимни релева эмаслиги ҳақидаги қараш, масалан, *ёмғир ёғяпти* иборасида ёмғир тепадан пастга тушади.

3) саъй-ҳаракталарни тежаш тенденцияси ҳақидаги қараш. Когнитив лингвистика нуқтаи назардан маъноларни уникал коидалар бўйича вужудга келтиришдан кўра, иборалардан фойдаланиш тежамкордир. Узун бир неча гапдан иборат фикрни бир ибора билан ифодалаш мумкин.

4) тилда когнитив тузилмаларни ифода этилишининг кўп сонлилиги ҳақидаги қараш. Когнитив тузилма бир нечта сўзни ёки бир сўзнинг бир нечта маъносини бирлаштириши мумкин. Масалан, *давлат* ва *мамлакат* сўзларининг турли маънолари *ҳокимият* ва *макон* когнитив тузилмаларига алмаштириш мумкин.

5) тил ибораси мазмун ва режа жиҳатдан бир хил эмаслиги ҳақидаги қараш. Битта сўз ёки иборани турлича талқин қилиш.

¹⁰ А.Н.Баранов - «Большой Русско китайский словарь» 1985 год.

6) семантик тасвирнинг кўп сонлилиги ҳақидаги қараш. Ҳозирги кунда тил бирликлари мазмуни кўринишини етарли даражада тасвирлашга қобилиятли идеал метатил йўқ, бундан битта тадқиқотда турли услубларни қўллаш ва уларни бирлаштириш зарурияти вужудга келади.

7) ностандарт ишлатилишининг муҳимлиги ҳақидаги қараш: лексик бирликларнинг аксарият қисми матнда у ёки бу меъёрларни бузган ҳолда қўлланилади. Анъанавий лингвистик тасвирларда бу ҳолат ҳисобга олинмаган. Когнитив усулларни қўллаш, уларни хато сифатида эмас, балки билим билан махсус операция сифатида талқин қилиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, когнитив лингвистика билимнинг базавий категориясига мурожаат этиб, “лингвистик ва экстралингвистик қарама-қаршиликни бартараф этиб тадқиқотчи учун турли хилдаги билимларни тасвирлаш учун битта метатилни қўллаш имкониятини беради”.¹¹

Агарда когнитив лингвистикани мустақил илмий фан ҳақида шаклланиши ҳақида гапирсак, унинг категориал-тушунча аппаратини шакллантиришга эҳтиёж вужудга келади, чунки тасвирлаш метотилини ишлаб чиқиш фаннинг бирламчи ва муҳим вазифасидир. Бунда когнитив лингвистиканинг атамашунослик тизими нафақат янги атамалар билан, балки тилшуносликда мавжуд ёки бошқа фанлардан ўзлаштирилган янада аниқлаштирилган ва унификацияланган атамалар билан тавсифланишини таъкидлаш лозим. Когнитив лингвистиканинг асосий атамалари: тафаккур, билим, концептуаллаштириш, концептуал тизим, когниция, дунёни тил тасвири, когнитив база, ментал репрезентациялар, когнитив модел, категориязациялаш, вербаллаштириш, менталлик, маданият константалари, концепт, дунё тасвири, концепт соҳаси, миллий маданий мақом. Бу барча тушунчалар инсоннинг когнитив фаолияти билан боғлиқ, яъни бу фаолият натижасида инсон маълум қарорга келади ёки билимга эга бўлади. Когнитив

¹¹ Баранов А.Н., Добровольский Д.О. Постулаты когнитивной лингвистики // Известия РАН. Сер. лит. и языка. 1997. – 56. №1.

фаолият ахборотга ишлов бериш ҳамда онгнинг алоҳида тузилмаларини яратишдан иборат бўлган жараёнларга мансубдир. Тил (нутқ) фаолияти эса бу ҳолатда когнитив фаолиятнинг турига айланади. Когнитив лингвистика учун муҳим бўлган баъзи бир тушунчаларни ҳам таҳлил қилиб кўрамиз:

Тафаккур- бу инсонни сабаб оқибатли идрок этишга ҳамда қадрият, буюм ва ҳодисаларни универсал алоқасини идрок этишга ва шу алоқа ичида мақсадга йўналтирилган фаолиятни олиб боришга қобилиятдир. Бу механизм билимларни вужудга келтиради ҳамда уларни мазкур организмни муҳит билан ўзаро ҳаракатда мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш механизмини яратади. Бунда муҳит деганда, организм ҳаётий фаолият жараёнида боғлиқ бўлган барча жисмоний, ижтимоий ва маънавий омилларининг мажмуаси тушунилади.

Билим – объектив ва субъектив муносабатдан тўғри бўлган тажриба ва тушунчага эга бўлиш ва буларнинг асосида мақсадга йўналтирилган ҳаракатни амалга оширилишини таъминлаб берувчи ҳукм ва хулосаларни вужудга келтириш мумкинлиги; билимлар – динамик функционал тузилма бўлиб, вербал ва невербал тажрибанинг махсулидир, у “дунё образини” шакллантиради.

Концептуаллаштириш – инсонга келадиган ахборотни англашдан иборат бўлган ҳамда инсон руҳида концепт, концептуал тузилма ва бутун концептуал тизимни пайдо бўлишига олиб келувчи инсон идрок этиш фаолиятининг муҳим жараёнларидир. Дунёни идрок этаётганда инсон ўзи учун долзарб бўлган унсурларни ажратади, уни маълум қисмларга эга бўлади, кейин эса, бу қисмлар билан воқеяликни идрок этади. Концептуаллаштириш замонавий лингвистикада билимларни тизимлаштириш жараёнини идрок этишнинг турли шакллари учун ҳамда қандайдир жуда кичик минимал концептуал бирликлардан билимларни намоён этишнинг турли тузилмаларини пайдо бўлишининг бирлиги сифатида талқин қилинади.

Концептуал тизим деганда, инсон тафаккурига берилган барча концептларнинг мажмуаси тўпланган, уларнинг тартибга солинган бирлашмаси, ментал ташкилоти тушунилади.¹² Бунда концептуал тизим бу инсон тажрибасини акс этувчи дунё ҳақидаги фикр ва билимларнинг тизимидир.

Категоризациялаштириш – воқеъликни когнитив тарзда бўлиб ташлашдир. Унинг моҳияти бутун онтологик маконни турли категориал соҳаларга бўлишдан иборатдир, яъни бу дунёни тузилмалаштириш сўз/объектни у ёки бу гуруҳга мансублаштириш акти бўлиб, “синф-синф аъзоси” турдаги иерархик муносабатларни ўрнатиш услуби. Категоризациялашда ўхшаш ҳодисаларнинг моҳиятли хусусиятлари ҳисобга олинади.

Менталлик – дунёни алоҳида тасвирини тузишни ўз ичига олган тафаккур жараёнларининг мажмуасидир.

Когниция инглизча атама бўлиб, фалсафий энциклопедияга мувофик билим-идрокдир. Н.Н.Болдерев фикрича, *идрок*, *тафаккур* атамаларидан фарқли равишда *когниция* идрок этиш жараёнини ҳам белгилаб беради, яъни бунда билимларни олиш ва бу жараёнларнинг натижалари тушунилади.¹³ Когниция бугунги кунда ўз ичига нафақат инсон руҳининг таркибий қисмларини (билим, онг, тафаккур, фикрлаш, тасаввур, ижод, режаларни ишлаб чиқиш, фикр юритиш, мантиқий хулоса, муаммоларни ҳал қилиш, мутаносибликни топиш, ҳаёл қилиш, орзу), балки идрок этиш тафаккур образлари, эслаш, эътибор ва таниш каби жараёнларини ўз ичига қамраб олади. Шу тарзда когниция турли жараёнларга ажралади. Уларнинг ҳар бири маълум когнитив қобилият билан боғлиқдир, улардан бири гапириш қобилиятидир. Демак, когниция бу дунёни идрок этиш, кузатиш,

¹² «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Тошкент. Давлат илмий нашриёти. 2005 йил.

¹³ Болдерев Н.Н. Когнитивная семантика. Курс лекций по английской филологии. Тамбов, 2001. –С.9.

категоризациялаш, тафаккур қилиш, нутқ, хаёл ҳамда бошқа рухий жараёнлардир.

Когнитив база бу мазкур тилда гапирувчиларнинг барчаси эга бўлган у ёки бу лингвомаданий жамиятнинг мажбурий билимларининг маълум тарзда тузилмалаштирилган мажмуасидир. Когнитив база когнитив тузилмалар томонидан шакллантирилади, улар эса ўз навбатида, бизнинг компетенциямизни шакллантириб асосини ташкил қилади. Когнитив тузилма кўринишида кодлаштирилган ва сақланадиган ахборот ўз ичига нафақат дунё ҳақидаги маълумотни, балки тил билимини ва тил ҳақидаги билимни ўз ичига қамраб олади.¹⁴

Миллий маданий макон. Инсон мавжуд бўлиб фаолият юритадиган ахборот хиссий макон, у вертуал ва шу билан бир пайтда реалдир. Бу макон ўзга маданият ҳодисалари билан тўқнашганда англанилади. Бу ерга мазкур маданий-миллий ҳамжамиятнинг аъзоларида бўлган маданият феноменлари ҳақидаги барча яққол кўринадиган ва потенциал тасаввурлари киради.

Маданият константалари – қадимийликда намоён бўлган ҳамда ҳозирги кунгача мутафаккир, ёзувчи, тилнинг оддий эгалари қарашлари орқали бугунги кунгача намоён бўладиган концептлардир. Маданият константалари – бу маданиятнинг доимий тамойилидир, улар қаторига сон, ҳисоб, ёзув, алифбо ва шу кабилар киради.

Когнитив лингвистика нуқтаи назаридан идрок концепт (маъно, мазмун)ларнинг вужудга келиши ва ўзгаришининг натижасидир, шунинг учун когнитив лингвистикада тадқиқотнинг энг муҳим объекти концептдир. Концептлар дунё ҳақидаги онгимиз ва билимимизнинг компоненти бўлиб, фалсафа, психология, когнитив тилшунослик, лингвомаданият ва бошқа гуманитар фанларнинг ўрганиш предмети.

¹⁴ Красных В.В. Виртуальная реальность или реальная виртуальность. –М., 1998. –С.47.

Энг муҳим концептлар тилда кодлаштирилади, аммо қаерда? Баъзи бир тилшунослар фикрича, марказий концептлар тил грамматикасида ўз аксини топган, айнан грамматик категоризациялаш лексикада ўз аксини топган синчларни ташкил қилади деб ҳисоблашади. Бошқаларнинг фикрича, концептларни ажратиш ва тадқиқ этиш учун лексика муҳимроқдир. Кўп олимлар бугунги кунда Р. Жекендорфф нуқтаи назарига қўшилади. Бу олимнинг фикрича, концептуал тизимнинг асосий константалари “семантик сўз туркумларига яқин” бўлган объект ва унинг қисмлари, ҳаракат, ўрин, макон, пайт, вақт, белги концептларидир.¹⁵ Концепт соҳаси – бу тил эгасининг (ташувчисининг) дунё тушунчаси тасвири вужудгаке ладиган концептларнинг мажмуаси. Тилнинг бойлиги нафақат сўз бойлиги ва грамматик имкониятлар, балки концептуал дунё, концептуал соҳа бойлиги билан белгиланади, буларда миллий тил шахсияти шаклланади. Билим тасвири тузилмаларининг ҳар хил турлари бор. Булар қаторига схема, тасвир, фрейм, сценарий, гештал киради. Назарий жиҳатдан ўхшаш иборалар тилда концептнинг ҳар хил турларини намоён қилиши мумкин, масалан, 我很高兴-wo hen gao xing-мен хурсандман (фрейм), мен хурсанд (қувоняпман) бўляпман (сценарий), хурсанд қилмоқ/бўлмоқ (схема), хурсанд бўлганидан сакрамоқ (тасвир).

Тилшуносликнинг илмий аппарати ёрдамида амалга ошириладиган концептларнинг таҳлили ҳамда табиий тилнинг концептуал тузилмасини тадқиқ этиш ҳар қандай халқни дунё қарашининг универсал ва идиеоэтниқ томонлари ҳақида ишончли ахборот олиш имкониятини беради, яъни биз бунда халқ руҳи деган уникал феноменни тушунчасига эга бўламиз.

¹⁵ Jackendorff R. Semantics and cognition. Cambridge (Mass.), 1993.

1.3. Тил ҳодисаларига когнитив ёндашув ҳамда белгилаш муаммоси: концепти, тушунчаси ва маъно-мазмун

Тил ҳодисаларига когнитив ёндашувнинг махсуслиги мисолини келтирамиз. 1970 йилларнинг бошида когнитив лингвистикаси энди вужудга келган пайтда, америкалик тилшунос У.Чейф томонидан бир қатор асарлар нашр этилди, буларда инглиз тилидаги сўз тартиби ва оҳангларнинг бир қатор қонунларини тушунчаси таклиф этилди, бундан ташқари бу қонунлар билан узвий боғлиқ бўлган аниқлик/ноаниқлик ва берилганлик/янгилик грамматик категорияларни инсон хотираси тузилишининг хусусиятлари ва инсон онгида ахборотини фаоллаштириш жараёнлари ҳақида маълумотлар берилди. Масалан, бирон бир воқеа ҳақида маълум вазифасини берувчи инглиз дарак гаплари оҳанги ҳамда уларда пайт ҳолининг ўрни У.Чейф фикрича, маълумот берилаётган воқеа ҳақидаги ахборот хотиранинг қайси даражасидан олинганлигидан дарак беради ҳамда бунга мувофиқ тарзда бундай эслаш учун қандай когнитив саъй-ҳаракатлар мувофиқ тарзда қўлланилишини билиш мумкин.

(1) Steve fell in the SWIMMING pool-史蒂夫跌到游泳池里了-Shi di fu tiaodao youyongchi lile [пайт ҳолисиз]

Стив ховузга йиқилиб тушди.

(2) Steve fell in the SWIMMING pool yesterday-史蒂夫昨天跌到游泳池里了-Shi di fu zuotian tiaodao youyongchi lile -[урғусиз пайт ҳоли билан]

Стив кеча ховузга йиқилиб тушди.

(3) Last CHRISTMAS, Steve fell in the swimming pool 去年圣诞节时史蒂夫跌到游泳池里了-qu nian sheng da jie shi shi di fu tiaodao youyongchi lile -

[гапнинг бошида бўлиб, пауза билан ажратилган мантикий урғуга эга бўлган пайт ҳоли билан]

Ўтган Рождествода Стив ховузга йиқилиб тушди.

Биринчи гапда пайт ҳоли йўқлиги тасвирланаётган воқеа ҳақидаги хотира ҳали янги эканлигидан далолат беради, бошқача қилиб айтганда, воқеа ҳақидаги ахборот юзаки хотирада жойлашган ёки Чейфнинг кейинроқ таклиф қилган атамасига кўра, фаол мақомига эга. Ахборот бундай мақомни нақадар кўп сақлаши бир қатор омилларга боғлиқдир, авваламбор, тасвирланаётган воқеани вақтда нақадар узоқлиги, унинг субъектив аҳамияти ҳамда бошқа воқеалар оқимининг зичлигига боғлиқ; масалан, *My DAUGHTER died* (Менинг қизим ўлди) 我的女儿死了 - wo de nu er si le-каби турдаги гап мазкур воқеадан сўнг бир неча кун, ҳафта ҳаттоки, ойлар ўтганидан кейин қўлланилиши мумкин. Аммо анча олдин бўлган воқеанинг вақти кўрсатилмаса, бундай гап Чейф томонидан тасвирланганидек, коммуникатив муваффақиятсизликка олиб келади: кичкина болакай ота-онасига қўшнилари қўлини синдириб олганлиги ҳақида айтади, қайғуга тушган ота-онаси оҳ-воҳлаб бу воқеа қачон бўлди деб сўрашса, қўшни ёш бола бўлганида қўлини синдиргани маълум бўлади. Пайт ҳолининг йўқлиги маълум қилинаётган ахборот юзаки хотирада сақланётганлигидан, уни фаоллаштириш аҳамиятсизлигидан далолат беради. Гапда мантикий урғуга эга бўлмаган пайт ҳолининг мавжудлиги айтиб берилаётган воқеа ҳақидаги ахборот “саёз” деб номланувчи хотирада сақланаётганлигидан дарак беради. “Саёз” хотирасида воқеанинг қанча давр сақланиши юзаки хотирада сақланиш вақтига таъсир қилувчи омилларига боғлиқ, аммо ўрта ҳисобда йирикроқ ва кунлар билан ўлчанади. Чейфнинг фикрича, “саёз” хотиранинг муҳим характеристикаси бу хотирада воқеаларнинг кетма-кетлиги ҳақидаги реал тартиби сақланишидадир. Чуқур хотирага келсак, бу ерга ахборот вақт ўтган сайин ўтказилади ва янги ахборот учун жой бўшатилади. Бу жараёнда

воқеалар кетма-кетлиги тартиби ҳақидаги маълумотлар йўқолади, уларни фақат мантикий мулоҳазалар асосида тиклаш мумкин. Алоҳида турдаги мантикий урғуга эга бўлган пайт холини қўллаш ҳамда у пауза билан ажратилиши маълум қилинаётган ахборот чуқур хотирадан олинганлигидан дарак беради. Чуқур хотирада ахборот йиллар ва 10 йиллар давомида сақланиши мумкин. Чуқур ва саёз хотира ўртасидаги чегара саёз ва юзаки хотира ўртасидаги чегарадан кучсизроқ ифодаланган. Келажак ҳақидаги ибораларда худди шундай конунлар ҳаракатда бўлиб, бугун-эрта, яқин келажакда ёки маълум пайтдан кейин бўладиган воқеаларни кутиш билан мутаносиб бўлади.

Кейинчалик хотира тузилмаси ҳақидаги тасаввурлар ва унда кечаётган излаш, фаоллаштириш ва фаолсизлаштириш жараёнлари асосида Чейф анилик ва ноаниқлик, бўлганлик/янгилик категорияларини когнитив талқинини таклиф этди.

1. а) Копток майса устида думалаётган эди-球在草地上被打滚着-qiu zai cao di shang bei da gunzhe.

б) Копток майса устида думалашда давом этди-球继续在草地上被打滚着 -qiu jixu zai cao di shang bei da gunzhe .

2. а) У одоб билан гаплашди. -他礼貌地交谈-ta limao de jiao tan

б) у ҳурмат билан гаплашди. 他谈得敬佩.-ta tan de jing pei.

3. а) У театрға боришга тўғри келди-他不得不去电影院-ta bu de bu qu dian ying yuan.

б) У театрга боришга муваффақ бўлди- 他可以去电影院-ta ke yi qu dian ying yuan.

каби турли жуфтликлардаги маъно муносабатларини тасвирлаш учун универсал тушунчаси берилган. Бу гап жуфтликларида умумий вазиятнинг турли намуналари кўрсатилган. Уларнинг компонентлари бошланғич ҳолатни сақлаб қолишга ёки ўзгартиришга лаёқатли бўлган агонист ва унга қарши антагонист, уларнинг куч мувозанатига кўра ўзгариш бўлиши мумкин ёки бўлмаслиги мумкин. Муайян вазиятлар жисмоний – 1, рухий – 2, ижтимоий -3 ўзаро ҳаракатга муносиб бўлиб турли тил воситалари орқали тасвирланади. 1 а. даги мисолда агонист ҳолатни ўзгартириш тенденциясига эга ва бу ерда ҳеч қандай антогонист йўқ. 1 б. да эса ҳаракатга бўлган тенденция антогонистнинг қарши ҳаракатидан кучлироқдир (бу ерда ишқаланишқ учи). 2 а.да антогонист ҳақида сўз юритилмайди, лекин 2 б.да ўзгаришга бўлган хатти-ҳаракат (ҳурматсиз, одобсиз бўлишга)га интилиш муваффақиятли тарзда бартараф этилди. 3 а.да тинчликка бўлган тенденция бартараф этилганлиги ҳақида гапирилса, 3 б.да эса ўзгаришга бўлган тенденция қандайдир ҳолатларда устивор келганлигини кўрамыз.

Когнитив лингвистикани семантик муаммоларга табиий тарзда қаратилганлиги ҳамда уни лингвистик семантикага методологик яқинлиги бир қатор муаллифларни айнан когнитив лингвистика ёки грамматика ҳақида эмас, балки когнитив семантика ҳақида гапиришга интилишларини асослаб беради. Когнитив лингвистиканинг энг ёрқин вакиллари айнан семантикадан келишган, аммо бундай таъкидлаш билан чегараланиб қолиш етарли эмасдир. Чунки когнитив лингвистикадан олинган баъзи бир натижалар нафақат тил семантикасига, балки ифодалаш режасига, яъни тилнинг формал қонунларига қўлланилиши мумкин. Когнитив лингвистикада ишлаб чиқарилган прототип тушунчаси фонология, морфология, шевашунослик ва ҳ.кларда қўлланилиши мумкин. Когнитив лингвистиканинг яна бир тарихан жуда ҳам аҳамиятли

манбаси бор. Бу манбани шаклланиши когнитив лингвистикадан 2-3 йил аввалроқ бошланган бўлиб, унинг номи когнитив фан, уни баъзида когнитология ёки когитология деб номлашади. Когнитив фаннинг предмети инсон фаолиятининг тузилмаси ва фаолият юритиши, бу фан сунъий интеллект номи билан маълум бўлган инженерлик фанининг ривожланиши натижасида пайдо бўлган.

1960-1970 йилларда сунъий интеллект фанида шундай тушунча пайдо бўлди, унга мувофиқ сунъий интеллект моделлаштирилиши билан шуғулланаётганлар аввал ўйланганларидек инсон интеллектуал жараёнлари, “инсон тафаккурининг универсал қоидаларидан” иборат эмаслиги маълум бўлди: аксарият интеллектуал вазиятларни вакумда ўз-ўзидан эмас, балки мавжуд бўлган билимларга асосланган ҳолда ҳал қилади.¹⁶ Ундан ўлароқ, ҳаттоки, универсал содда қоидалар билан бошқариладиган шахмат ўйини каби интеллектуал ўйинларнинг амалиётда тўпланган билимларнинг улкан ҳажмини қўлланилишини назарда тутди; баъзи бир муҳим интеллектуал вазифалар, хусусан, табиий тил матнини образларини англаш ва тушуниш билимга таянмагна ҳолда ҳал қилинмайди. Масалан, енгил атлетикадаги ҳолатни билмаган инсон “Иван 100 метрни 9,5 секунда босиб ўтди” деган гапни аниқ тушуна олмайди. Кун тартибига билимлар билан фаолият юритишнинг қандайдир воситаларини ишлаб чиқиш вазифалари қўйилади.

Когнитив фаннинг доирасида 1970 йиллардаёқ, билимларни тақдим этувчи деб номланган тиллар ва улар билан ишлаш тамойиллари ишлаб чиқилган эди. Когнитив фан соҳасида аксарият тадқиқотлар табиий тилни тушунишнинг компьютер моделларини тузиш мақсадида амалга оширилганлиги сабабли бир қатор лингвистлар уларни катта эътибор билан кузатдилар, баъзилари ҳаттоки, уларда иштирок этдилар. Унинг натижаси тил материалини тафаккур жараёнлари ҳақидаги маълумотлар билан

¹⁶ Думан.Л.И. Очерки истории китая 1940 год.

кандайдир тарздамутаносиб қилишга бўлган қадимги эҳтиёж умуман кутилмаган томондан қондирилиши мумкин эканлиги хиссиёти эди, яъни бу ишни психологлар эмас, балки семиотик тоифалар билан фикрловчи ҳисоб техникаси ва информатикаси бўйича мутахассислар томонидан қондирилиши мумкинлиги аён бўлди. 1970 йилларда сунъий интеллектда А.Ньюэлнинг ва Г.Саймоннинг “ахборотга рамзли ишлов бериш” семиотик парадигмаси ҳукмронлик қилди. Массачусетс технологик институти сунъий интеллект лабораториясининг директори П.Уинстон ҳисоб машинасини табиий тилни тушунишга мажбурлаш бу интеллект яратиш билан тенг ишдир. Айнан шу шароитларда когнитив лингвистика шакллана бошланди.

Когнитив лингвистика шаклланиш босқичлари қуйидагичадир: 1975 йилда “когнитив грамматика” атамаси илк бор Ж.Лакофф ва Г.Томпсоннинг “Когнитив грамматикани тақдим этамиз” деб номланган мақоласида киритилди. 1985 йилда В.И.Герасимов томонидан Россияга когнитив грамматика киритилди. Худди шу пайтда Ж.Фоконьенинг “Ментал маконлар” асарининг инглиз тилидаги илк наشري чикди, француз наشري ундан бир йил олдин чоп этилган эди. Бу асар анъанавий мантикий амалий муаммоларни когнитив муҳитга ўтказди. 1987 йили Р.Лангакернинг “Когнитив грамматика асослари” асарининг 1 чи жилди наshr этилди (2чиси 1991 йилда). Бундан ташқари мазкур йўналиш учун жуда аҳамиятли бўлган Дж.Лакоффнинг “Аёллар, олов ва хавфли буюмлар” ҳамда М.Жонсоннинг “Тафаккурдаги тана” асарлари наshr этилди. Бундан ташқари, Р.Жэкендоффнинг монографияларининг бир қаторига асос солган бу муаллифнинг “Онг ва ҳисоб тафаккури” деб номланган асари чоп этилди. 1988 йилда собиқ СССРда “Хорижий тилшуносликдаги янгиликлар” сериясида тилнинг когнитив жабҳаларига бағишланган 23 жилд чоп этилади.

1990 йилларнинг бошларигача когнитив лингвистика ўзаро кучсиз боғлиқ ёки умуман боғлиқ бўлмаган хусусий, тадқиқий дастурларнинг

мажмуаси эди. Уларни айтиб ўтиш жуда ҳам осон: бу Ж.Лакофф, Р.Лэнакер, Л.Талми, У.Чейф, Р.Жэкендофф, Ч.Филлморларнинг тадқиқий дастурлари. Улар билан лингвистик тадқиқотлар дастурининг яна бир қатори яқиндир, бу дастурларнинг муаллифлари когнитивист бўлмасаларда, когнитив лингвистиканинг баъзи бир жабҳаларини қабул қиладилар: булар Тван Дейк, Ж.Хэйман, Т.Гиванлардир. шу билан бирга 1990 йилларда аста-секин тадқиқий дастурларнинг барчаси ёки аксарияти томонидан у ёки бу даражада ва у ёки бу шаклда тадқиқ этиладиган тил ҳодисаларининг доираси ҳам намоён бўлди. Бундан ташқари, олинган натижаларнинг мажмуалари ҳам кўрсатилди. Аввалига фақат идрок этувчи жабҳаси ҳамда фикрлаш, тафаккур тоифаларига мурожаат этишнинг тушунтирувчи кучи ҳақидаги бошланғич гипотеза билан бирлаштирилган когнитив лингвистика ўзининг предмети, ўз ички тузилмаси ва ўз категориал аппаратига бўлинган.

Когнитив лингвистикада концепт табиатини ўрганишга бирламчи аҳамият берилади. Концепт табиатини англашга бўлган ҳар қандай ҳаракат бир қатор ўхшаш тушунча ва атамалар мавжудлиги фактини англашга олиб келади. Авваламбор, бу концепт, тушунча ва маъно-мазмун. Уларнинг фарқлаш, дифференциялаш муаммоси ҳозирги кундаги назарий тилшунослик соҳасидаги энг баҳсли ва мураккаб ечиладиган муаммодир. Бунга асос концепт таҳлилида биз тадқиқотчига бевосита идрок этишда берилмаган мазмун кўринишининг моҳияти билан ишлаганлигимиз, бу концептнинг табиати ва хусусиятлари ҳақида биз фақатгина билвосита белгилар асосида фикр юритишимиздир. Мазкур муаммони ҳал қилишда нечта тадқиқотчи бўлса, деярли шунча нуктаи назар бор. 1990 йилдаёқ Ю.С.Стипанова шундай ёзган: “тушунча (концепт) маъно-мазмун қаторидаги ҳодисадир, лекин уни алоқаларнинг ўзга тизимида ўрганамиз; маъно-мазмун тил тизимида, тушунча концептни эса, тилшунослик ва мантиқда тадқиқ этиладиган

мантикий муносабат ва шаклларда ўрганамиз”.¹⁷ Охирги йилларда мазкур масалани тушунишда кўп нарсалар ўзгарди. “Концептлар – бу сўз ва экстралингвистик ҳақиқийлик ўртасидаги воситачилардир, ва сўзнинг маъноси фақатгина уни ташкил қилувчи концептлардан биорат бўлиши мумкин эмас”.¹⁸ “Концепт лексик маънода анчайин кенгрокдир”.¹⁹ Яна бир нуқтаи назарга мувофиқ, концепт сўз билан унинг бир маъноларидагина мувофиқ келади. Академик Лихачовнинг бу фикрига В.П.Москвин қўшилади: “Синонимларнинг мавжудлиги, ички шакл ва сўзларни бир-бири билан бирикиш каби тавсифлар умуман, сўзга эмас, балки унинг алоҳида лексик-семантик вариантыга мансубдир”.²⁰ Тўғрироғи концепт деб, сўз маънолари билан мувофиқ тушадиган тушунчалар ҳақида гапириш тўғрироқ бўлса керак. Одатда, “концепт” атамаси билан тушунчанинг мазмунини белгилашади ва мазкур атамани “маъно” атамасининг синоними сифатида тушунадилар. “Тушунчанинг” синоними эса – “маъно” атамасидир, яъни сўзнинг маъноси бу мазкур сўз айнан шу тилнинг меъёрига мувофиқ тўғри қўлланадиган предмет ёки предметлардир, концепт эса, сўз маъносидир. Ю.Э.Степанов қуйидагича мисол келтиради: “рус тилида “хўроз” 公鸡 -gong ji- сўзи “ мазмун” ва “маъно”га эга. Унинг мазмуни - хўроз бу маълум ташқи кўринишидаги қуш; учмайдиган, аксинча юрадиган, бошида қизил тожи бор. Оёғида эса пихи бор бўлган қуш. Бу хўроз сўзининг маъноси нафақат биологик тавсифи, балки маъно-мазмунга мувофиқ бўлагн кенгрок тушунча:

а) уй қуши;

б) эркак қуш;

¹⁷ Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. –М.: Школа, Языки русской культуры, 1997. –С.384.

¹⁸ Cruze D.A. Prototype theory and lexical semantics // Meaning and prototypes. Levin B., Pinker S. Lexical and conceptual semantics. Cambridge, 1991.

¹⁹ Карасик В.И. Культурные доминанты в языке // Языковая личность: культурные концепты. Волгоград; Архангельск, 1996. –С.6.

²⁰ Москва. В.А. Логический анализ языка: язык и время. –М.: Индрик, 1997. –С. 67.

в) маълум тарзда куйловчи ва ўз куйи билан вақтни белгилаб берувчи куш;

г) ўзининг қўшиғига кўра номланган куш;

д) кўплаб ривоят ва маросимларга боғлиқ бўлган куш.

Когнитив лингвистика учун концептуал даражали семантик тил даражасига қарши қўйиш ғоясини ҳимоя қилган семантикадаги йўналиш истикболдир. А.Вежбицкаянинг монографияси маълум умуминсоний концептлар тилшунослик, амалий ва маданий омилларга узвий боғлиқликда турли тилларда ҳар хил тарзда гуруҳлаштирилиши ҳамда вербаллаштирилишининг ёрқин далили сифатида хизмат қилади.

Замонавий лингвистикада концепт тушунчаси сўз семантикасини тасвирлашда ҳам “концепт” “概念”-gai nian-тушунчаси кенг қўлланилади. Чунки тил ибораларининг маънолари улардаги ифода этилган концептларни концептуал тузилмаларга тенглаштирилади. Умуман олганда, концепт ва тушунча икки параллел атама бўлиб, бири яъни тушунча, мантиқ ва фалсафанинг атамаси бўлса, концепт математик мантиқ, маданиятшунослик, лингвомаданиятшунослик когнитив лингвистикага мансубдирлар, албатта, улар ўз ички шакли бўйича ўхшашдирлар. Концепт ва маъно-мазмун ҳам ўзаро бир хил мутаносибликда эмасдир. Концепт ҳақиқийлик объектидан олинган нисбатан барқарор когнитив нусхадир, чунки у маъно-мазмундан кўра, дунё билан бевосита боғлиқдир. Сўз эса, ўз маъноси билан доимо концепт қисмидир. Аммо концептга тил воситалари орқали, яъни сўз, гап, баҳс орқали киришиш энг афзал йўлдир.

1.4. Концепт когнитив лингвистиканинг асосий тушунчаси сифатида

Инсоннинг идрок этувчи фаолиятини (когнициясини) дунёни тушуниш маҳоратини ривожлантирувчи омил сифатида ўрганиш мумкин. Бу фаолият эса, турли объектларни ўхшатиш ва фарқлаш зарурияти билан боғлиқдир. Концептлар мазкур турдаги операцияларни таъминлаш учун пайдо бўладилар. Демак, концептларни шаклланиши дунёни идрок этиш, олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш билан боғлиқдир.

20 йилларнинг охирига келиб, лингвистлар тил ташувчи/эга маълум концептуал тизимнинг эгаси эканлигини тушунишди. Концептлар ўз моҳияти бўйича ментал (маънавий-руҳий) моҳиятдир. Ҳар бир концептда инсон учун жуда муҳим бўлган олам ҳақидаги билимлар бирлаштирилган ва шу билан бирга аҳамиятсиз тасаввурлар чиқариб ташланган. Концептларнинг тизими олам тасвирини яратади, унда инсоннинг воқеълик, ҳақиқийликни тушунчаси акс этилади, унинг ўзига хос алоҳида концептуал расми бўлади, бунинг асосида инсон олам ҳақида фикр юритади. Концептуаллаштириш жараёни ва концепт мазмунини экспликацияси фақатгина мазкур тилнинг ташувчиси бўлган лингвистга хосдир. Шундай қилиб, минг йилликлар чегарасида лингвистикада менталлик муаммоси биринчи ўринга чиқади, чунки концептлар ментал моҳиятдир. Концептни аниқлаш учун баъзи бир белгиларни ажратиш мумкинлиги, объектлар билан предмет ҳаракатлари, уларнинг якуний мақсадлари ва мазкур ҳаракатларнинг баҳоланиши зарурдир. Бироқ бу барча омилларнинг ролини билган ҳолларда ҳам когнитологлар концептлар қандай пайдо бўлиши ҳақидаги саволга жавоб бера олмайдилар. Концепт атамаси лингвистикада ҳам эски, ҳам янги атамадир. 1928 йилдаёқ С.А.Аскольдов-Алексеев “Концепт ва сўз” “概念和词”-gai nian he ci- мақоласини нашр этди,²¹ аммо XX асрнинг ўртасигача илмий адабиётда “концепт” “概念”-gai nian тушунчаси атама сифатида идрок

²¹ С.А.Аскольдов-Алексеев «концепт ва сўз» 1986 йил.

этилмаган. С.А.Аскольдов – Алексеевнинг мазкур мавзу бўйича бир қатор маърузалар қилишига қарамасдан, у қўйган масала ўрганилмади. Фақатгина 80 йиллардагина инглиз тилли муаллифларни асарларини рус тилига таржима қилиниши билан концепт тушунчаси яна пайдо бўлади. Концепт – бизнинг онгимиз ва инсоният билим в атажрибаси акс этувчи ахборот тузилмасининг ментал ёки рухий ресурслар бирликларини тушунтиришга хизмат қилувчи атамадир. Концепт ментал лексикон хотирасининг, концептуал тизим ва мия тилининг, инсон руҳиятида акс этилган жаҳоннинг бутун тасвирининг аператив мазмуний бирлигидир. Концепт тушунчаси инсон тафаккур жараёнларида қўллайдиган ва тажриба ва билим мазмунини акс этувчи бутун инсон фаолияти натижалари ҳамда идрок этиш жараёнларининг мазмунини билимнинг ўзига хос “квант”ларида акс этувчи мазмунлар ҳақидаги тасаввурга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда лингвистик фанда умумий асосга, яъни концепт бу тушунча мазмунини номловчи, маъно синонимидир, деган асосга таянган концепт тушунчасига бўлган 3 асосий ёндашувни белгилаш мумкин.

Биринчи ёндашувнинг концептни ўрганишда маданий жабҳага кўпроқ эътиборни қаратади ва бунда маданият концептларнинг мажмуаси ва улар ўратсидаги муносабатларнинг мувофиқлиги сифатида тушунилади. Бу ёндашувнинг вакили Ю.С.Степанов. унинг фикрича, концепт инсоннинг ментал дунёсидаги маданиятнинг асосий уяси (ячейка)дир. “Концепт” атамасини бундай тушунчасида тилнинг роли иккиламчи бўлиб қолади, у фақатгина маданият, концепт мажмуасини тиллаштириш шакли – ёрдамчи воситага айланиб қолади.

Иккинчи ёндашувга кўра, когнитив лингвистикага тил белгиси семантикасини жалб этишни концепт мазмунини шакллантиришининг ягона воситаси деб ҳисоблайди. Н.Д.Арутюнова ва унинг мактаби, Т.В.Булигина, А.Д.Шмелов шундай фикрдадирлар. Н.Алефейренко ҳам ўхшаш нуқтаи

назардан ёндашади: у концептни когнитив семантиканинг бирлиги деб тушуниб, концептга семантик ёндашувни олға суради.

Учинчи ёндашув тарафдорлари Д.С.Лихачёв, Е.С.Кубрякова ва бошқалардир. Уларнинг фикрича, концепт сўз маъносидан бевосита пайдо бўлмайди. У сўз маъносини инсоннинг шахсий ва халқ тажрибаси билан тўқнашувининг натижасидир, яъни концепт сўз ва воқеилилик ўртасидаги воситачидир.

Е.С.Кубрякова фикрига мувофиқ, концепт ментал лексикон хотирасининг, мия концептуал тизимининг оператив мазмунининг бирлигидир, у инсон руҳиятида акс эттирилган дунё тасвирининг кичик бирлигидир. Концептни таҳлил қилганда у психологияда сенсор – перцептив жараёнларни тасвирлашда қўлланадиган фон ва фигура тушунчаларини когнитив лингвистикада қўлланилишини ўринли деб ҳисоблайди. Фон ва фигурани қарши қўйиш инсон томонидан ўзини яхлитликнинг қисми сифатида англаши, ўзини (фигурани) бирон бир фонда (муҳит, маконда) англаши ҳамда дунёдаги қолган барча бошқа жисм ва нарсаларни худди шундай англаши билан боғлиқдир, яъни бу тил ва унинг категориялари асосида инсоннинг кўргазмали, жисмли тажрибаси ётганини ва фақатгина бу тажрибани ишлатиши билангина инсоннинг мавҳумроқ соҳаларга чиқиши ва бевосита кузатмаган нарса/жисми ҳақидаги ўз тасаввурини кўра билади, дегани демакдир. Е.С.Кубрякова инсон идрокининг асосий тамойилларидан бири бўлган, контейнер тамойили моделлаштиради. Бу тамойил тилга семиотик ва когнитив ёндашувнинг асосий тамойилидир. Муаллиф бу тамойилни кузатувчи нуқтаи назарнинг қайтиш тамойили деб номлашни таклиф қилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, олам ва коинотдаги ҳар қандай объектни ўрганишда ўрганиш истиқболларини танлаш доимо ўзгартирилиши мумкин, бунда кузатувчининг нуқтаи назари қарама-қаршига ўзгариши мумкин. Е.С.Кубрякованинг фикрини Б.Паскалнинг қуйидаги

фикри билан тасдиқлаш мумкин: “Коинот ўз макони билан мени қамраб олиб, нуқта каби ютиб юборади, мен эса ўз фикрим билан уни қамраб оламан”. Унинг фикрича, агарда тил оламнинг алоҳида кўриниши акс этса, унда кузатувчи нуқтаи назарини акс этилиши (ёки бу нуқтаи назардан онгли тарзда мавҳумлаштирилиши) тилда мустаҳкамланган ва акс этилган концептларнинг умумий субъективлигига мувофиқдир. Бу нуқтаи назарга қўшилмасдан мумкин эмас, чунки битта бир хил ҳодиса/ҳаракат/объект турлича ҳар тил воситалари қўлланилган ҳолда тасвирланиши мумкин. Бу ердан тасвирда турли унсур, хусусият, белгиларни акс этиш имконияти пайдо бўлади. шу билан бирга синонимия бу сохта ҳодисадир, чунки ҳар бир альтернатив лексема ортида хусусий концептуал тузилма туради. Концептуал тузилмалар орқали маъно-мазмунни белгилаш Е.С.Кубрякова фикрича, билим ва маъно-мазмунни боғлашга янги ёндашувдир. Ю.Д.Апресян томонидан концептнинг ўзига хос қизиқарли назария таклиф этилган, у қуйидаги ҳолатларга асосланади:

1) ҳар бир табиий тил оламнинг идрок этилиши ва ташкил қилинишининг маълум услубини акс этади; унда ифода этилган маъно-мазмунлар маълум ягона яхлит қарашлар тизимига ўзига хос жамоа фалсафаси тарзида шаклланади, у тил томонидан барча ташувчиларга етказилади;

2) тилга хос бўлган оламни концептуаллаштириш услуби қисман универсал, қисман миллий ўзига хос, махсусдир;

3) дунёга қараш (концептуаллаштириш услуби) шу маънода “содда”ки, у дунёнинг илмий тасвиридан фарқланади, аммо бу примитив тасаввурлар эмас.

Қўплаб олимлар концептни кенг маънода тушунган бўлиб, бугунги кунда Р.Жэкондорффнинг нуқтаи назарига қўшиладилар. Бу олимнинг фикрича, концептуал тизимнинг асосий конституентлари “нутқнинг семантик қисмларига” яқин концептлардир, яъни объект ва унинг қисмлари,

ҳаракат, амал, ўрин ёки макон, вақт, пайт, белги концептларидир. Бу ёндашувлар учун умумийлик тил ва маданиятнинг сўзсиз алоқаси мавжудлиги ҳақидаги фикрдир. Келишмовчилик эса, концептни шаклланишда тил ролини турлича тушуниш билан шартланган. Дунёнинг объектлари улар ҳақидаги тасаввурлар этнотил тафаккури томонидан билимнинг маълум “квантлари” сифатида, яъни концептлар сифатида тузилмалаштирилганлигида “маданий объектларга айланадилар”. Бу атама ҳозиргача ҳам ягона тавсифга эга эмас, аммо у замонавий лингвистикада мустаҳкам ўрин эгаллади. Н.Д.Арутюнова, А.П.Бабушкин, А. Вежбицкая, Е.С.Кубрякова, С.Е.Никитина, В.Н. Телия, Р.М.Фрункина каби рус олимлари бунинг устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Концепт атамасини илмда мустаҳкамланиш даври уни қўлланилишининг маълум тарздаги бемалоллиги, чегараларининг аниқ эмаслиги, маъно ёки тил шакли бўйича яқин бўлган атамалар билан аралашиб кетаётганлиги билан боғлиқдир. Бу борада атама тавсифини аниқлаш лозимдир. Катта энциклопедик луғат қуйидаги таснифни беради: “Концепт (лот. Conceptus – фикр, тушунча) – исм (белги)нинг мазмуний маъноси, яъни объекти мазкур номнинг предмети (денотати) бўлган тушунчанинг мазмуни (масалан, ой номининг мазмуний маъноси – ернинг табиий йўлдоши). Биринчи қарашда сўзнинг лексик маъносини концепт деб номлаш мумкин. Аммо ҳозирги кунда мазкур луғат мақоласида берилган сўзнинг мазмуни тор, етарли эмас, когнитив реалликдан узоқ ва ҳаттоки, мувофиқ эмас деган фикр мавжуд. Шунинг учун концепт тавсифининг бошқа машҳур ва қизиқарли тавсифларини келтирамиз. Р.М.Фрункинанинг фикрича, концептнинг энг муваффақиятли тавсифини А.Вежбицкая беради, у концепт деганда “идеал” “理想”-lǐ xiāng оламдаги объектни тушунади, бу объект номга эга ҳамда инсоннинг “ҳақиқийлик” олами ҳақидаги инсоннинг маданий шартланган

тасаввурини акс этади.²² Д.С.Лихачов концепт деганда, “инсон ўз ёзма нутқида фойдаланадиган мазмун-маънонинг ўзига хос алгебраик ифодасини” тушунган.²³ Р.М.Фрумкина эса концептни маданият категорияларида ишлов берилган вербаллаштирилган тушунча сифатида таснифлайди.²⁴ В.Н.Телий нуқтаи назаридан концепт бу инсон тафаккурининг маҳсули бўлиб, идеал ходисадир. Демак, у нафақат тил онгига, балки бутун инсон онгига хосдир. Концепт – бу конструктдир, у тикланмайди, балки ҳар бир инсоннинг ўз тил ифодаси ва ташқи тил билими орқали қайта реконструкция қилинади.²⁵

Яна бир нечта тавсифлар келтирамиз:

Концепт (概念) gai nian- бу - онгимизнинг ментал ёки рухий заҳираларининг бирлигини ҳамда инсон билим ва онгини акс этувчи ахборот тузилмаси бирликларини тушунтиришга хизмат қилувчи атамадир;

концепт – (概念) gai nian бу хотира, ментал лексикон, миянинг концептуал тизими ва тили, инсон руҳиятида акс этилган дунёнинг бутун тасвирининг оператив мазмуний бирлигидир;

концепт – (概念) gai nian ифодаланиш режасида намоён этилган маданий белгиланган вербаллаштирилган мазмун-маънодир, у мувофик лексик-семантик парадигмани ташкил қилади ҳамда у этномаданий махсусликка ва тил ифодасига эга жамоа билимининг бирлигидир.

Шундай қилиб, концепт тушунчаси фалсафа ва мантиқдан кириб келган, аммо охириги 15 йилда у фаоллашиш ва қайта англашиш жараёнини бошидан

²² Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. –М.: Русские словари, 1996. –С.11.

²³ Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Русская словесность. Антология. –М.: Академия, 1997. –С. 28

²⁴ Фрумкина Р.М.Еще раз об особенностях классификационного поведения // Речь, восприятие и семантика. –М., 1988. –С.70-74.

²⁵ Телия В.Н. Коннатативный аспект семантики и номинативных единиц. –М., 1996. –С.22.

кечирмокда. Концептнинг турли тасвифлари унинг қуйидаги инвариант белгиларини ажратиш имкониятини беради:

1. Бу инсон тажрибасининг идеал тасаввуридаги минимал бирлиги, сўз ёрдами билан вербаллашади ва полетузилмага эгадир;
2. Бу билимларга ишлов бериш, сақлаш ва етказишнинг асосий бирликларидир.
3. Концепт ўзгарувчан чегараларга эга ҳамда муайян функцияларни бажаради.
4. Концепт ижтимоийдир, унинг ассоциатив полеси унинг амалийлигини шартлаб беради.
5. Концепт маданиятнинг асосий уясидир.

Демак, концептлар инсон онгидаги оламни намоён этадилар, концептуал тизимни ташкил қиладилар, инсон тили белгиларини эса, мазкур тизимнинг мазмунини сўзда кодлаштиради.

2 боб. Хитой тилидаги оммабоп ибораларнинг лингво –когнитив хусусиятларига кўра лексик –семантик таҳлили

2.1 Оммабоп ибораларни ҳосил бўлишида когнитив усулнинг ўрни ва аҳамияти

Хитой лексикаси ўз ичига нафақат оддий сўзлар ва сўз бирикмаларини балки турғун ибораларни ҳам олади. Ушбу турғун иборалар, асосан оммабоп хусусиятга эга бўлиб, ўзининг турғун структурасига ва семантик мукаммалигига эга. Бундай ибораларнинг 80% бўлинмас. Структур жихатдан турли шаклларга эга. Оммабоп ибораларнинг шаклланиши,ва ривожланиши асосан маълум бир миллатнинг кундалик турмуши,урф-одатлари,анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Улар миллий минталитет хусусиятини ўз ичига олган, когнитив метод асосида таҳлил этилувчи иборалардир. **Когниция** сўзи,инглизча **“cognition”** 血亲 хуе qín-сўзидан олинган бўлиб,тушунмоқ деган маънони англатади. Ўзбек халқи мисолида оладиган бўлсак,ушбу метод асосида бир неча сўзларни таҳлил этишимиз мумкин.

Мисол учун:

Ўзбек уй жиҳози бўлмиш ҳонтахта буюмини ўзга тилга сўзма сўз таржима қилиш, турли тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Айниқса, сўзни тўғридан-тўғри таржима қилиш, таржимон фаолиятини мушкуллаштиради.

Сўзни тўғри таржима қилишда когнитив усул ёрдамга келади. Яъни хонтахта бу ўзбек миллатининг уй жиҳози бўлиб, у калта оёқли, тўғри тўртбурчак ва узун шаклига эга столнинг бир тури деган таъриф билан берса бўлади. Бундай сўзлар қаторига нон, сумалак, ҳалим, ва хоказоларни киритса бўлади.

Бундай сўзлар нафақат ўзбек тилида балки хитой тилида ҳам мавжуд. Бунга мисол қилиб 旗袍 -qí rao- сўзини олсак бўлади.²⁶ 旗袍 -qí rao аёлларнинг кийими бўлиб, халат сўзига тўғри келади, бироқ уни когнитив тарзда изоҳлайдиган бўлсак, ушбу халат хитой аёлларининг миллий либоси бўлиб ва айнан хитой миллатининг нозик дидини белгилаб турувчи миллий либоси саналади. Бундай сўзларнинг қаторига 拼音 -pín yīn сўзини ҳам мисол қилиб келтирсак бўлади. 拼音 -pín yīn, бизга иероглифларни қандай ўқиш кераклиги тўғрисида хабар беради, бироқ унинг маъносини когнитив равишда етказиб беришда, биздан мукаммал, ҳамда аниқ, шу билан бирга ўзга миллатнинг онгига ало даражада етказиб бериш юксак вазифани талаб қилади. 拼音 -pín yīn-бу фонетик транскрипция ҳисобланиб, айнан иероглифларни қандай тарзда ўқиш кераклигини, тартибга солувчи транскрипция ҳисобланади. (иероглифларнинг ўқиш қонунияти) демакдир.

Ушбу сўзлар, миллий менталитет билан боғлиқ тушунчалардир. Когнитив усул, нафақат сўзларни, балки ибораларни таржима қилишда қўл келади.

Мисол учун: “Бир пиёла чой устида суҳбат” деган ибора фақатгина бир пиёла чой билан меҳмон қилиш деган маънони бермайди.

Бир пиёла чой устида ибораси, бу ерда кенг маънога эга бўлиб, ушбу иборани когнитив усул асосида ёритиш мақсадга мувофиқ.

Хитой тилида ҳам, ҳозирги кунда тилшунослик соҳасида когнитив усул ёрдамида таҳлил қилиш, кенг қўлланилмоқда. Бу ҳолатни ҳам, айнан миллий менталитет билан боғлаш керак.

Миллий менталитет

Маълум даврларда кенг қўлланилган шиорлар, сиёсий ҳаракатлар, янги иборалар ва номлар ўз иборасига эга бўлиш “ҳукуқига” эга бўлди. Бирор сўз

²⁶ 《现代汉语词典》2003 年 Замоновий хитой тили луғати.

бирикмасининг ўз иборасига эга бўлиш имкониятига миллий англаш билан боғлиқ маъно чекловлари ҳам қўшилади. **Масалан:**

“师范学院” shi fan xue yuan (“ Педагогика институти”) “中医学院” zhong yi xue yuan (“Хитой тиббиёт институти”) ва “经济学院” jingji xue yuan (“Иқтисодиёт институти”) номлари структураси жихатидан бир хил бўлишига қарамай, улардан охирги иккитаси мустақил сўзга айланиши мумкин, биринчиси эса йўқ, чунки, “中院” zhong yuan сўзи хитойлик учун тшунарсиз ва қийиндир. Бошқа усуллар ҳам ўринли бўлмайди, чунки уларнинг исталганидан сўнг, “中院” zhong yuan билан “中学” zhong xue,

“医学” “yi xue”, “医院” yi yuan фойда мазмунида чалкашлик пайдо бўлиши мумкин.

“上吊” “shang diao” (上海吊车厂) “shang hai diao che” “ Шанхай кран заводи” (маъноси бўйича 上吊 shang diao “осиб қўймоқ”, “бўғилиб ўлмоқ” ёки “开糖” kai tang (开封糖果厂)²⁷ “kai feng tang guo” “канфет фабрикаси” (маъноси бўйича “开糖” “kai tang” - “қоринни қаппайтирмоқ” турдаги сўзларга келсак, бу тасодифий фонетик ҳолат бўлса-да, устидан кулишга сабаб бўлса ҳам, хитойликлар шу сабабли уларнинг онгида нохуш туйғу ва бахтсиз ҳолатларни уйғотади, ҳамда ушбу турдаги сўзларни ишлатишни истамайдилар, шу сабабли бундай сўзлар хитой оммавий лексигасига кириб бориш имконияти чекланган.

²⁷ 《人民日报》-хитой газетаси 2009 йил.

Хитойда“八”ba (8) рақамли телефон ва автомобил давлат номерларини талайгина пул тўлаб оладилар, чунки “八” ba (8) рақам “发” fa “бойиб кетиш” сўзи билан бир хил ўкилади ва (оҳангдош) .

Бундан (518) рақамларининг “我要法”²⁸ “wo yao fa” 五 一 法 комбинацияси (Мен бойиб кетишни истайман), (168) рақами “一路发” yi lu fa (Бутун умр бўйи бойиб бориш)²⁹, (888) “发发发”(fa fa fa) (Бойиш, бойиш ва бойиш) сўзлари билан ассоциацияланади, бу эса ҳар бир хитойликнинг онгида ишдаги муваффақият, омад, мўл-кўлчилик ва бахтли ҳаёт гарови сифатида акс этади. Аксинча, 4 (si) рақамининг ибораси эса, “死”si (ўлим) сўзи билан бир хил талаффуз қилинади, шунинг учун хитойликлар, бу рақамдан қочишга ҳаракат қилишади.³⁰

Хаттоки, бу шунчаликка бордики, Хан чжоу шаҳрида охирги рақами 4 билан тугайдиган янги сериядаги автомобилларни ҳеч ким харид қилмай қўйди ва шунинг учун уларнинг сотуви тўхтатиб қўйилди. Шундай қилиб, хитой халқининг менталитети, миллий қадриятлари, турмуш тарзи, психологик омиллар янги сўзлар ва ибораларни яратиш, муҳим зарурий шартларидир.

Қуйида биз оммабоп ибораларни лексик-семантик таҳлилини амалга оширамиз. Когнитив хусиятларига кўра ибораларни 7 гуруҳга бўлишни лозим деб топдик. Улар:

1. 《面子》类 mian zi lei – обрўни сақлаш

1. 包在我身上-bao zai wo shen shang- менга қўйиб бер, менга ишон.

Ушбу ибора орқали инсон ўзини мақташ маъносини ифодалайди.

²⁸ 《现代汉语成语》2002 年

²⁹ 人民日报-хитой газетаси 1999 йил.

³⁰ Ван Ляо. Основы китайской грамматики. 1954 г. 262 ст.

2. 别拦着我 –bie lan zhe wo-мени тинч қўй,мени қўйиб юбор,менга тегма.

3.不甘心-bu gan xin-мамнун эмас,таслим бўлмаслик,ортга қайтмаслик.

4.怪不得(呢)-guai bu de ne- ажабланарли эмас,ажабланарли жойи йўқ.

5.豁出了-huo chu qu le-таваккал қилмоқ,тикмоқ,тираб бормоқ.

(умумий 5 та мисол).

Ушбу мисоллар асосан оғзаки нутқда учрайди, танлаб олинган мисолларнинг аксарияти рўзномаларнинг охирги битикларида, маданият кўзгуси рукни билан чиқадиган мантлардан олинган.

2. 《 穹子》 类 wan zi lei-вазиятни четлаб ўтиш шакли

1.丑话说在前头-chou hua shuo zai qian tou-самимий айтишга ижозат бермоқ,олдидан аниқлик киритмоқ.

2.不好意思 -bu hao yi si-манзур тутмоқ,ноқулай вазитда қолмоқ, кечирмоқ.

3.不是故意的-bu shi gu yi de-билмасдан,аттайин эмас,адашмоқ.

4.吊人胃口 diao ren wei kou-қийнамоқ,кучли назорат остида ушламоқ.

5.好是好-hao shi hao-яхшиликка яхшику (бироқ),мумкинга мумкин (лекин).

(Умумий 5 та мисол).

3. 《高帽》 类- Gao mao lei-хушомад, мақтаб айтилган сўз шакли

1.大月宛儿-da wanr-томошанинг юлдузи, обрў манфаатли шахс вакили.

2. 了不起- liao bu qi-ажойиб, зўр, жозибали.

3. 没你 (您) 不成 mei ni (nin) bu cheng-сенсиз уddaлай олмас эдим.

4. 全仗您了-quan zhang nin le-биз ҳаммамиз сенга ишонамиз.(таянамиз).

5. 谁说不是呢-shui shuo bu shi ne-ким инкор этди,сиз мутлако ҳақсиз.

(Умумий мисол 5 та).

4. 《推卸》类-tui xie lei-маъсулятликдан четланиш усуллари шакли

1. 该找谁找谁去 -gai zhao shui zhao shui qu-айибни бошқа кимсага ағдармоқ,ўзга шахсга тўнкамоқ.

2. 顾不上啦 - gu bu shang la-илтифотсизлик кўрсатмоқ,писанд қилмаслик,назарга илмаслик,менсимаслик.

3. 没法说-mei fa shuo-тиунтириб беришга ожизлик қилмоқ. Юзга айта олмаслик.

4. 那可没准儿-na ke mei zhur-аниқ айта олмаслик,вада бера олмаслик.

5. 下不去手- xia bu qu shou-истак,мақсад,лаёқатсизлик,иштиёқсизлик.

(Умумий 5 та мисол).

5. 《贬低》类-bian di lei-камситиш,ерга уриш шакли

1. 差的太远了-cha de tai yuan le-менга йўл бўлсин,менга ҳали бор,мен бунга эришимга ҳали бор.

2. 扯淡-che dan-бемани,сафсата гапларни гапирмоқ. Бехуда гапларни айтмоқ.

3. 跌份-die fen-обруни хурматни йўқотмоқ,иснот бўлмоқ,уютга қолмоқ.

4. 跟着哄- gen zhe hong-оқимда сузмоқ,барчадек бўлмоқ.

5. 话不能这么说-hua bu neng zheme shuo-бу унчалик даражада тўғри эмас,бу хаддан зиёд бўрттирилган (ошириб юборилган).

(Умумий 5 ти мисол).

6. 《怨愤》类-yuan fen lei-норозилик ғазаб шакли

1. 怎么说话呢-zenme shuo hua ne-қандай қилиб бу гапни айтдинг? бу гапни айтишга қандай тилинг борди?

2. 现在可好-xian zai ke hao-айни дамда,хозирги пайтда.

3. 拿吧-na ba-таъзирни бермоқ,бирор бир шахсга тўғоноқ бўлмоқ.

4. 谁都有那一天-shui dou you na yi tian-ўлимдан қочиб бўлмайди,хеч ким ўлимдан қочиб қутила олмайди.

(Умумий 4 та мисол).

7. 《拒绝》类-ju jue lei- инкор этиш шакли

1. 别价-bie jia-илтимос ундай қилма,йўқ керак эмас.

2. 不管怎么说-bu guan zenme shuo-нима бўлишидан қаттий назар,нима бўлганда ҳам.

3. 无所谓- wu suo wei-хечқиси йўқ,фарқи йўқ,ташвиш чекма.

4. 用不着-yong bu zhao- фойдасиз,хожати йўқ,зарур эмас,шарт эмас.

2.2 Оммабон ибораларнинг лексик симантик таҳлили

1. 《面子》类-mian zi lei

(Юзни ерга қаратмаслик шакли).

1. 包在我身上-bao zai wo shen shang-менга ишон,менга суян,менга қўйиб бер,муомуо йўқ³¹. (адабий номланиши:没有问题 mei you wenti яъни муомуо йўқ дегани. Синоним 擎好吧 qing hao ba менга ишон.我办事你放心 wo ban shi ni fang xin яъни ишни мен бажараман,сен хотиржам бўл.搞定 gao ding хал этиш. 交给我吧,不算什么 jiao gei wo ba,bu suan shenme-менга қўйиб бер,хеч нарсани ўйлама.) деган маъноларга эга. Мисол учун:

1. a) 晚上你买菜,做饭接孩子啊-wan shang ni mai cai,zuo fan,jie zi haizi

a.

b) 包在我身上!- bao zai wo shen shang!

a) Кечки пайт сабзавот сотиб ол,таом таёрла ва болани кутиб ол.

b) менга ишон,хавотир олма. Барчаси кўнгилдагидай бўлади.

2. a) 我刚来北京,什么都不懂,还要找工作,找房子,找爱情-wo gang lai beijin shenme dou bu dong,hai yao zhao gong zuo,zhao fang zi,zhao ai qing.

b) 包在我身上-bao zai wo shen shan

a) Мен ҳозиргина Пекинга ташриф буюрдим,хали хеч нарсадан хабарим йўқ. Яшаш учун ётоқ,ҳамда иш топмоқ лозим.

b) Буни менга қўйиб бер.

Изоҳ: Хитой тили сўзлашуви лексикасининг кам бўлмаган қисми

《包》

³¹ 汉语熟语学习手册- (北京-2002) 。

Бао -иероглифидан ташкил топган. Унинг умумий маъноси “бутунлай” “батамом кафолат бермоқ” “хар тарафлама кафил бермоқ” деган маъноларда келади. Лекин кўкрак уриб, берилган кафолатларга ҳар доим ҳам ишониб бўлмайди. Чунки одамлар ўзини ва ўзгаларни алдаш 《自欺欺人》 *zì qī qī rén* одати билан мақтанишни 《吹牛》 *chuī niú* хуш кўрадилар. Мақтанишнинг асосий мақсади эса ягона омил. Бу омил, ўзини аҳамиятли ҳамда даҳлдор эканлигини кўрсатишдир. 《面子》 *miàn zi*. Шунинг учун оғзаки ибораларда, 《包在我身上》 *bāo zài wǒ shēn shàng* тез тез *мақтаниш* ёки *керилиш* элементларида учрайди.

2) 别拦着我 -*bié lán zhe wǒ*-*мени тинч қўй, мени қўйиб юбор, менга тегма*.³² (адабий номланиши: 诈唬 *zhā hǔ* мунофиқларча, аййёрларча. 别管我³³ *bié guǎn wǒ*-*менга боқма*) деган маъноларга эга.

Мисол учун:

a) 老李啊, 你想开点, 别干傻事! - *lǎo lǐ a, nǐ xiāng kāi diǎn, bié gān sha shì!*

b) 别拦着我! 我死给他们看! - *bié lán zhe wǒ! Wǒ sǐ gěi tāmen kàn!*

a) Лао ли буни жиддий қабул қилма, аҳмоқлик қилма!

b) Менга тегма! Мен уларнинг назарида ўламан!

Изоҳ: Зиддият юззага келганида, аппонентни кўрқитиб, баъзилар вазиятни жиддийлаштиришга интиладилар. 《扩大事态》 *kuò dà shì tài*. Устига устак, агар ҳамсухбатнинг хавфсираши бўлса, аппонент, ушбу вазиятни янада жиддий қабул қилади. Ушбу (В) контекстда 《要自杀》 *yào zì shā*, ўз

³² А.А.Щукин 《Ходячие выражения китайского языка》 Москва (Муравей) 26 ст. 2004 год.

³³ Гао Яо Чи 《现代汉语语法》 - 《грамматика современного китайского языка》 河南 1982 год. 266 ст.

умрига суйқаст қилиш, охирги чорадай 最后一招 zuì hòu yì zhāo ён босишга мажбурламоқ учун, умумий меҳрни қозониш маъносида келяпти. Шубҳасиз бундай одамлар кўп эмас. 《别拦着我》bié lǎn zhāo wǒ- менга тегма дея, умид қилишади. Бироқ бундай инсонларнинг мақсадларини юззага чиқмаслиги учун барча имкониятларни ишга солмоғлик даркор бўлади.

3) 不甘心 -bù gān xīn-мамнун эмас, хурсанд эмас, таслим бўлмаслик, ортга қайтмаслик, ўз ҳолига қўймаслик.³⁴ (адабий номланиши: 死不甘心 sǐ bù mǐng mù-ўлимдан сўнг ҳам тинчимайман, синоним: 不服气 bù fú qì таслим бўлмаслик, 不甘休³⁵ bù gān xiū кўнгилга ёқмаслик) деган маъноларга эга.

Мисол учун:

1. a) 你就比他慢半布,没得第一-ni jiù bǐ tā màn bàn bù, méi de dì yī.

b) 唉!我实在不甘心!-ai! Wǒ shí zài bù gān xīn!

a) Сен бор йўғи ярим қадамга ортда қолдинг, ва биринчи ўринни қўлга кирита олмадинг.

b) Эх! Мен афсусдаман. (албатта биринчи бўламан).

2. a) 听说老李等了她一辈子!-tīng shuō lǎo lǐ děng le tā yì bèi zǐ!

b) 是啊,老李是死不甘心哪! -shì a, lǎo lǐ shì sǐ bù gān xīn na!

a) Айтишларича, Лаоли уни бир умр кутар эмиш!

b) Ха! Лаоли ни хатто ўлим ҳам ортга қайтара олмайди чамаси!

³⁴ Хаматова А.А. «Некоторые размышление о проблеме неологизмов в современном китайском языке» 2000 год. 179-183 ст.

³⁵ 《中国报纸》-《Хитой ойлик журналы》№2 (52) 2010.-6.2.43.

Изоҳ: 《甘》 gan ўзига икки хил маънони қўшади: 《满意》 man yi (қондирмоқ) ва 《自愿》 zi yuan (ўз хошига кўра). Биринчи (В) контекстнинг сўзларида ютказганлигига иқрор бўлиб, леки 《面子》 mian zi шаклини(формасини) сақлаб қолиш учун, 《келгуси сафар албатта қолиб бўламан!》 дея норозилик сўзларини айтади. Иккинчи (В) контекстдаги эса, Ли ўз севгилисини топгандагина кўнгил хотиржамлигига эга бўлади. Бу унинг ўз истаги ва танловидир.

4) 怪不得(呢) guai bu de (ne)-ажабланарли эмас.³⁶ (адабий номланиши: 愿来如此 yuan lai ru ci-жудда дастлабки. Синоним: 我说呢要不然 wo shuo ne yao bu ran-мен бу хусусда айтган эдим)³⁷ деган маъноларга эга. Мисол учун:

1. а) 哎! 老李因为贪污罪被抓走了! -ai! Laoli yin wei tan wu zui bei zhua zou le!

б) 怪不得呢! 我一直奇怪,他买奔驰车的钱是从哪儿来的!-guai bu de ne! Wo yi zhen qi guai,ta mai ben chi che de qian shi cong nar lai de!

а) Ия, Лаоли пора олганлиги учун қамалибти.

б) Уни қаердан (мерседес) русумли автомашинани олганлиги, энди ажабланарли эмас.

2. 一怪不得他说菜不好吃, 原来你没放盐.-guai bu de ta shuo cai bu hao chi,yuan lai ni mei fang yan- (Уни,таом бемаза чиқибти дегани ажабланарли эмас. Сен таомга туз солишни унутгансан).

Изоҳ: Бундай оғзаки иборалар,шундай контекстларда учрайдики,қачонки сўзловчи,бирор бир содир бўлган воқеани тахмин

³⁶ А.А.Щукин 《Ходячие выражение китайского языка》 2004 год. 32ст.

³⁷ 《中国新闻周刊》 Хитой янгиликлар ҳафталик журнали №8 2010 й.

килса,ёки олдиндан билса,у эшитган хабаридан таъжубга тушмайди. Устига устак,агар кейинги бўлиб ўтадиган воқеалар унинг тахминини тасдиқлайди. Ўзгалардан олдин,бирор бир воқеани ёки фактга ахамият берган бундай (зукко одам) 《猜想的人》 cai xiang de ren,-ўз обрў мафаатини 《面子》 mian zi сақлаб қолишга муяссар бўлади.

5) 豁出了 -huo chu qu le-таваккал қилмоқ,тикмоқ,тираб бормоқ.³⁸(адабий номланиши:赤膊上阵 chi bo shang zheng ва 孤注 hu zhu-дублгасиз,очиқ -ойдин жанг майдонига чиқмоқ.³⁹ Синоним:拼了吧 , pin le ba, 就这一下了 jiu zhe yi xia le- мана буни ҳам дарҳол бириктирмоқ лозим)⁴⁰ деган маъноларга эга.

Мисол учун:

а) 你已经输了全部现金,别在赌了!- ni yi jing, shu le quan bu xian jin bie zai du le!

б) 不行! 把住宅也押上 我豁出去了!- bu xing! Ba zhu zhai ye ya shang, wo huo chu qu le!

а) Сен батамом тоза ютказдинг! Бошқа пул тикма!

б) Йўқ! Уйимни тиксам ҳам, таваккал қиламан!

Изоҳ: Ушбу оғзаки ибора, энг нохуш вазиятда ҳам, кутилмаган омадга, ютукқа, охирги умидлар ила ишонишдир. Айтиш керакки,бундай мардлик,харакатга жалб этади. Лекин, хар тарафлама таёргарликсиз ва таслимликка йўл бўлмаса,таваккал қилишнинг маъноси йўқ. 《后路》 hou lu 《豁出去》 huo chu qu.

³⁸ А.А 《Шукин Ходячие китайские выражения》 2004 год. Ст.15

³⁹ 《汉语熟语学习手册》北京-2002 年

⁴⁰ 《人民日报》 - Хитой газетаси.

2. 《弯子》类 wan zi lei вазиятни четлаб ўтиш усуллари) шакли

1. 丑话说在前头 -chou hua shuo zai qian tou-*олдиндан аниқлик киритмоқ,самимий айтишига ижозат бермоқ.*(адабий номланиши:申明利害 shen ming li hai -*ҳақ эканлигини маълум қилмоқ*⁴¹. Синоним:话要说清楚 shuo yao shuo qing chu- *аниқ сўзни айтиш лозим.* 打招呼 da zhao hu-*огоҳлантирмоқ,* 打预防针 da yu fang zhen-*олдиндан чора кўрмоқ*)⁴² деган маъноларга эга.

Мисол учун:

1.a) 丑话说在前头,跟我在一起 你得永远过苦日子-chou hua shuo zai qian tou,gen wo zai yi qi ni de yong yuan guo ku ri zi.

b)只要你永远爱我,就足够了-zhi yao ni yong yuan ai wao,jiu zu gou le.

a) Самимий айтаман: агар мен билан бўлишни истасанг,
ҳар қандай қийинчиликларга дош беришинг лозим.

b) Агар сен мени ҳамиша севсанг,шуни ўзи кифоя бўлади.

2.a) 丑话说在前头,问我借钱,得还两倍-chou hua shuo zai qian tou,
wen wo jie qian de hai liang bei.

b) 啊? 可是... ..那少借点吧.-ai? Ke shi... .. na shao jie dian ba.

a) Олдиндан айтиб кўяй: Агар мендан қарзга пул олмоқчи бўлсанг,
уни икки барабар қилиб қайтаришинга тўғри келади.

b) Ундай ҳолда,мен озгина қарз оламан.

⁴¹ А.А.Щукин 《Ходячие выражения китайского языка》 2004 год. Ст 42.

⁴² Горелов В.И 《Теоретическая грамматика китайского языка》 . Москва. Просвещение 1989 год.

Изоҳ: Ёлғончи, сохта инсонлар, одатда олдиндан яхши гапирип «хаёлни чалғитишади» . Биринчи контекстдаги айнан ўз ҳиссиётини самимий эканлигини исботлаш учун, ёш йигит (А), (В) қизга, келгуси турмуш ҳаётларида қийинчиликлар тўғрисида хабар бериб, ўзига нисбатан муносабатни мустаҳкамляпти.

Иккинчи контекстдаги (А), (В) нинг пулга мухтож эканлигини билиб, уни таҳқирляпти. Дарҳақиқат, (А), (В) дан нафратланяпти, ва унга караб «Агар қарз олмоқчи бўлсанг, кейинчалик қарзнинг шартини тшунмадим деб гапирма!» деган маънода айтяпти.

2.不好意思- bu hao yi si- Кечиринг, манзур тутасиз.⁴³ (адабий номланиши: 引以为耻-yin yi wei chi-уятга қолмоқ. Синоним: 请原谅, 对不起-qing yuan liang, dui bu qi-иснот бўлмоқ, узр сўрамоқ)⁴⁴ деган маъноларга эга.

Мисол учун:

1. a) 张医生老给您添麻烦真不好意思!-zhang yi sheng lao gei nin

tian ma fan zhen bu hao yi si!

b) 老朋友了干吗那么客气!-lao peng you le gan ma na me ke qi!

a) Жаноб Чжан, сизга шунча ноқулайлик яратганим учун, сиздан самимий узр сўрайман.

b) Қўяверинг, эски дўстчилигимиз ҳурмати.

2. a) 抢了你的女朋友, 不好意思!-qiang le ni de nu peng you, bu ha yi si!

b) 做都做了, 还有什么不好意思?-zuo dou zuo le, hai you, shenme bu hao yisi?

a) Сендан, қиз дугонангни тортиб олганим учун, мени кечир.

⁴³ Горелов.В.И. Лексикология китайского языка. Москва. просвещения 1985 год.

⁴⁴ Думан. Л. И. Очерки истории Китая. 1040 год. Ст 14

б) Бўлган иш ўтди- кетти. Энди узр сўрашнинг ҳожати йўқ.

Изоҳ: Аввал бу ибора 《有点害羞》 you dian hai xiu (*хижолат бўлмоқ, уялмоқ*) деган маъноларга эга еди. Кейинчалик, Ганконг ҳамда Тайвант дан 《道歉》 diao qian (*узр сўрамоқ*) ва 《对不起》 dui bu qi (*кечиринг*) каби маънолар кириб келди. Бирор бир кишига муомуло туғдирган бўлсанг, худди контекстдаги сингари ундан узр сўрамоқ лозим. Иккинчи контекстда эса, суҳбатдошга нисбатан ҳеч қандай таъна шикасти етмаган, шунинг учун 《кечиринг》 сўзи, бир оз ҳақоратлироқ эшитилипти. Бундай ҳолларда хитойликлар 对不起 dui bu qi сўзини шилатишни хуш кўришади. Балки 《我错了》 wo cuo le (*мен адаштим*) сўзини айтиш билан, ўз ҳурматларини сақлаб қолишади.

3.不是故意的-bu shi guyi de-*билмасдан, беҳосдан, аттайин эмас*. (адабий номланиши: 误会-wu hui-*адашмоқ*. Синоним: 我不知道啊-一不小心-wo bu zhi dao a, yu bu xiao xin-*мен аттайин қилганим йўқ*)⁴⁵ деган маъноларга эга.

Мисол учун:

a) 哎呀! 把你的裙子弄脏了我可不是故意的!-ai ya!

Ba ni de qun nong zhuang zang le wo keshi bu shi gu zi de!

b) 没关系-meì guan xi.

a) Вой! Мен сизни кўйлагингизни кир қилиб қўйдим. Мен аттайин қилганим йўқ.

b) Ҳеч қиси йўқ! (хижолат бўлмаганг).

⁴⁵ Семенас.А.Л. лексика китайского языка

Изоҳ: 《故意》 gu yì-бу 《有意》 yǒu yì (онгли равишда билиб туриб)

《不是故意的》 bu shì gu yì de-бу худди 《无意》 wú yì (аттайин эмас,бехосдан) деган маъноларига тўғри келади.

Агар контекстдаги сингари бирор бир воқеа эҳтиётсизлик билан,билмасдан рўй берса,унда кечириш мумкин. Бироқ ўзга вазиятда,баъзилар аттайин 《有意》 yǒu yì хатто билиб туриб, 《蓄意》 xù yì-душманлик қилишади. Шундан сўнг,таъмани олдини олиш учун,узр сўрашади. Бироқ,бундай одамларга нисбатан нафрат кўзи билан каралади. (看不起) kàn bu qǐ-устига устак бундай шахслар ўз (自己的面子) zì jǐ de miàn zi хурмат этиборларини йўқотадилар.

4. 吊 人 胃 口 -diao rén wèi kǒu-Қийнамоқ.(Кучли назорат остида ушламоқ)⁴⁶ (адабий номланиши: 渐入佳境 -jiàn rù jiā jìng-яхши тарафга ўзгармоқ. Синоним: 下次再说-xià cì zài shuō-кейинги сафар аниқроқ бўлади. 抻着点-chen zhe diǎn-назорат қилмоқ)⁴⁷ деган маъноларга эга.

Мисол учун:

1. a) 这个电视剧一天就放一集一到关键地方就打住!-zhe ge dian shi ju

yì tiān jiù fàng yì jí,yì dào guān jiàn dì fāng jiù da zhù!

b) 这就叫吊人胃口!-zhe jiù jiào dīo rén wèi kǒu!

a) Бу сериални ҳар куни битта сериядан кўрсатишяпти.

Охиргача шундай давом этади.

b) Бу телетомошабинларни (кучли қизиқиш) остида ушлаш дейилади.

2. a) 她说: 《一周就见一次! -ta shuō yì zhōu jiù jiàn yì cì !

⁴⁶ А.А.Щукин 《Ходячие выражения китайского языка》 2004год.ст 11.

⁴⁷ 《汉语熟语学习手册》 2002 年 31 页

b) 那这姑娘很会吊人胃口-na zhe gu niang hen hui diao ren wei kou.

a) У айтди: Хафтада бир мартта кўришиб турамиз!

b) Ха,бу кизча бир кимсани кучли таъқиб остида ушлашни яхши билади.

Изоҳ: 《吊人胃口》-diao ren wei kou- бу ўз моҳиятига кўра,бир санатдир.

Бунинг асосий мақсади бир бирига оз оздан,яхшилиқни инъом этмоқликдир. Шу билан бирга қизиқувчанликни сақлаб қолмоқ. Биринчи контекстда барча учун маъқул бўлган замонавий телерекламма усули тасвирланган. Гарчи буни Хитойда саёх хикоячи- чилар ҳам қила олганлар. 《说书的》shuo shu de. Иккинчи контекстда эса,бу усулни қиз уддалайди,гарчи у гўзал бўлмаса ҳам. (距离美) ju li mei,бирок у, усулни қўллай олади. 《吊人胃口》diao ren wei kou.

5. 好是好 -hao shi hao- *яхшилиқка- яхши-ю бироқ... Мумкинга- мумкину,лекин...* ; ⁴⁸(адабий номланиши:美中不足- mei zhong bu zu-*хаммаси яхши, бироқ...* ⁴⁹Синоним: 成是成 cheng shi cheng- *яхшилиқка- яхши,行是行- xing shi xing-созга соз. 可以是可以-keyi shi keyi-мумкинга -мумкин, бироқ...*)⁵⁰ деган маъноларга эга.

Мисол учун:

a) 小红啊, 你的男朋友对你好不好?- xiao hong a,ni de nan peng you
dui ni hao bu hao?

b) 好是好, 可他太穷了-hao shi hao,ke ta tai qiong le.

a) Сяо Хун сенга йигит дўстинг ёқтими?

b) Ёқишга ёқти, бироқ у жуда камбағал!

⁴⁸ 《汉语熟语学习手册》2002 年

⁴⁹ Хаматова. А.А. 《Словообразование современного китайского языка》 Москва. Муравей 2003 г 114 ст.

⁵⁰ Солнцев. В. М. Очерки по современному китайскому языку. Москва 1957 год. 204 ст.

Изоҳ: 《好是好》 hao shi hao сўзини эшитганимизда, жумлани охиридаги сўзларга этибор бермоғлигимиз лозим. Биринчи ўриндаги (好) hao мулойимлик маъносида келяпти. Асл маъноси эса, жумланинг охирида сақланган. Контекстдаги ушбу ибора қўлланилиши, бир қараганда ҳамма нарса яхши, иккинчи томондан қараганда эса, бирор бир нарса етишмаётганлигидан далолат беради. Ундан ташқари, 《不太好》 bu tai hao-унчалик яхши эмас деган маънода келади.

3. 《高帽》类- Gao mao lei- Хушомад қилиш шакли

大腕儿-da wanr-*Томошанинг юлдузи. (шоу).* (адабий номланиши: 头面人物-tou mian ren wu-*обрў манфаатли шахс.*⁵¹ Синоним: 打牌明星-da pai ming xing- *Олий юлдуз. 龙头老大-long tou lao da-катта, юқори шахс)*⁵² деган маъноларга эга.

Мисол учун:

a) 老李呀,你这个电影想请谁来演呢?- Laoli ya, ni zhe ge dian ying,

xiang qing shui lai yan le.

b) 还是请大腕儿吧, 要不然上座率高不了-hai shi qing dawanjr ba,

yao bu ran shang zuo lu gao bu liao.

a) Лаоли, сенинг филимингда асосий қаҳрамонни ким ўйнайди?

b) Бирор юлдузни таклиф қиламан, акси ҳолда харажатни

қоплай олмайман.

⁵¹ 《现代汉语词典》2003 年 замонавий хитой тили луғати.

⁵² 《汉语成语词典》 хитой фразиологияси луғати.

Изоҳ: бу оғзаки ибора,театр олаmidан кириб келган. Аввал бу 《大慢儿》 da manr (*мустаҳкам ўсимлик*) сифатида тшунилган. Бундан ташқари обрў этибор,ҳамда хурматга сазовор бўлган шахсларга нисбатан ҳам ишлатилган. Кейинчалик эса, умумий тушунчага кириб, 《大腕儿》 da wanr (*устанинг қўли, уста,усталик*) деган маъноларда қўлланилди. Бироқ,жамиятда устанинг таъсир даражаси қанчалик юқори бўлса,шунчалик жамият ривожланади. Шу билан бирга 《身价》 shen jia-шаҳснинг кадри баланд бўлади.

2.了不起-liao bu qi- *Ажойиб,зўр,жозибали.*(адабий номланиши:一鸣惊人 -yi ming jing ren-ўз қобилияти билан кўпчиликни лол қилмоқ⁵³. Синоним :真不错-zhen bu cuo-ҳақиқатдан ҳам ёмон эмас. 真行不容易啊-zhen xing bu rong yi a-ҳақиқатдан ҳам осон эмас)⁵⁴ деган маъноларга эга.

Мисол учун:

a) 小刘回六门外语! 太了不起了!-xiao liu hui liu men wai yu! Tai liao bu qi le!

b) 了不起是了不起,京是中文太差!- liao bu qi shi liao bu qi, jing shi zhong wen tai cha!

a) Сяо Лиу 6 та тилни билади! Ажойиб!

b) Яхшиликка яхши- ю, бироқ хитой тилида унчалик кучли эмас.

Изоҳ: Ушбу оғзаки ибора,юксалтириш маъносида келади. Даҳақиқат, сен ўзингни мактамайсан, балки сени макташади. **Тенденция:** Хозирги замонда бир кимса,ўзга бир инсонни чин дилдан,самимий макташини камдан

⁵³ А.А.Щукин. 《Ходячие китайские выражения》 2004 год.

⁵⁴ 《汉语熟语学习手册》2002 年 22 页

кам эшитиш мумкин. Аввал мактагани билан, кейинчалик уни албатта тахқирлайди. Худди контекстдаги сингари.

3.没你 (您) 不成-mei ni (nin) bu cheng- *Сенсиз уддалай олмас эдим. Агар сен бўлмасанг, бирор ишни бажара олмас эдим*⁵⁵. (адабий номланиши: 非聊莫属-fei liao mo shu-уддалай олмалик. Синоним:你走了我们怎么办哪-ni zou le women zenme ban на-сен келмаганингда биз нима қилар эдик)⁵⁶ деган маъноларга эга.

Мисол учун:

a) 老李呀,明儿的新闻发布会我就不参加了你主持吧-Laoli ya,

minr de xin wen fa bu hui wo jiu bu can jia le,ni zhu chi ba.

b) 那哪行啊? 第一把手不在还有什么信任度啊?没您不成!-na na xing a?

Di yi ba shou bu zai hai you shenme xin du a? Mei ni bu cheng!

a) Лао ли,эртанги пресс конференцияга мен кела олмайман.

Шунинг учун,уни сен олиб борасан!

b) Қандай қилиб мен? Агар (биринчи шахс) келмаса,

ишонч йўқолади. Сиз келмасангиз, мен бу ишни бир ўзим уддалай олмайман.

Изоҳ: Ушбу оғзаки ибора самимий ва қаттиқ ҳурмат қилиш туркумига киради. Бу контекстдаги конференция сингари муҳим ишлар,юқори ҳурматга эга бўлган шахснинг ташрифи билангина,бажарилишдан далолат беради. Йўқса, уларнинг охири, натижасиз тугайди. Чунки, канференция қатнашчилари, биринчи шахс мажлисга ташриф буюргач,маъсулятлироқ бўладилар. 《面子》 mian zi.

⁵⁵ 500 Daily Expression (使用汉语口语五百句) 新世界出版社 北京-2001 年 52 页

⁵⁶ 《200 situational Dialogues》(使用汉语会话二百句)北京 2000 年 50 页

Бундан ташқари (хушомадгўйлик,сермулозаматлилик) сўзларининг ёпик формасидир.

4.全仗您了-quan zhang nin le- *биз ҳаммамиз сенга ишонамиз,биз сенга тиянамиз.*(адабий номланиши: **全仗拜托** -quan zhang bai zuo-*биз сенга таянамиз.*⁵⁷ Синоним:**就指望您了**就这一柱香-jiu zhi wang nin le, jiu zhe yi zhu xiang-*биз сиздан умид қиламиз,сизга ишонамиз*)⁵⁸ деган маъноларга эга.

Мисол учун:

a) 这件事谁也没有用我们全仗您了-zhe jian shi shui ye mei you

women quan zhang nin le.

b) 包在我身上-bao zai wo shen shang.

a) Бизга ёрдам берадиган бирор кимса йўқ. Биз ҳаммамиз сенга ишонамиз.

b) Сизлар менга ишонишингиз мумкин.(таянишингиз мумкин).

Изоҳ: 《仗》 zhang сўзи (*таянмоқ*) деган маънони билдиради. Ананага риоя қилсак,ёрдам сўралганда,бир вақтнинг ўзида кўпчиликка мурожат қилиш мумкин эмас. Ахир буддуга сиғинаётганда 《奉佛》 feng fo унинг барча хакалларига сиғиниш шарт эмас. 《烧香》 shao xiang. Шундай қилиб, кейинги вазиятда муомуони ҳал қилиш учун; ишончли одамни топиш лозим.

5.谁说不是呢 -shui shuo bu shu ne- *Ким инкор этди,бу ҳақиқат,сиз мутлақо ҳақсиз).*(адабий номланиши: **人同此心** -ren tong ci xing-*бир хил фикрли инсон.* ⁵⁹Синоним:**大家都这么说(看)就是吗,可不是吗**-da jia dou zheme

⁵⁷ А.А.Щукин Ходячие выражения китайского языка 2004 год. 33 ст.

⁵⁸ Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языке. Москва.1968 год. 112 ст.

⁵⁹ А.А.Щукин Ходячие выражения китайского языка 2004 год. 31 ст.

shuo (kan) jiu shi ma, ke bushi ma-хамма шундай деб айтишади,бироқ ундай эмас) деган маъноларда келади.⁶⁰

Мисол учун:

a) 这么多人骑车,没人修车怎么行呢-zheme duo ren qi che,
mei ren xiu che zenme xing ne!

b) 谁说不是呢-shui shuo bu shi ne!

a) Жуда кўп одамлар, велосипетдан фойдаланишади.

Агар велосипедни тузатадиган уста бўлмаганида,
одамлар қандай қилиб велосипедни минган бўлар эдилар.

b) Ха, сиз ҳақсиз.

Изоҳ: Контекстдаги (B), (A) нинг сўзларини эшитгач,ўзидан мағрурланади. Чунки бундай инсонлардан жирканишади ва уларни камситишади. Ахир ҳар бир қийинчиликни ҳамда меҳнатни ҳурмат қилиш лозим. (应该受到尊重) ying gai shou dao yun zhong.

4. 《推卸》类 tui xie lei

(маъсулиятликдан четланиш усуллари шакли).

1. 该找谁找谁去- gai zhao shui zhao shui qu- Айбни бошқа кимсага ағдармоқ. 《менга тегишли эмас》 《боҳона топмоқ》⁶¹. (адабий номланиши: 与我无关-yu wo wu guan-менга тегишлик эмас. Синоним: 不归我管,我管得着吗-bu gui wo guan,wo guan de zhe ma-менга даҳли йўқ)⁶² деган маъноларга эга.

⁶⁰ Курилова К.А.Обращения в современном китайском языке(к вопросу о речевом этикете китайцев) владивосток,1999 год. 158 ст.

⁶¹ 200 Situational Dialogues (使用汉语会话二百句) 北京 2000 年 17 页

⁶² 500 Daily Express (使用汉语口语五百句)新世界出版社 北京 2001 年 35 页

Мисол учун:

a) 老李呀,我心里有很多委屈-Laoli ya,wo xin li you hen duo wei qu.

b) 别跟我说! 该找谁找谁去-bie gen wo shuo! Gai zhao shui zhao shui qu.

a) Лаоли мени қалбим дард алам билан тўлди.

b) менга шикоят(арз) қилма. Бориб,сенга жавоб берадиган одам билан гаплаш.

Изоҳ: Ҳаётда ўзгаларга нисбатан,юмишоқ кўнгил,шу билан бирга бефарқ инсонлар ҳам учрайди. Бераҳм,шавқатсиз инсонлар 《先去同情心的人》 xian qu tong qing xin de ren- болалик чоғларида ундай бўлмаганлар,аксинча уларни 《ҳаёт учун курашиш》 мафкураси шундай қилиб қўйган. Бошқа тарафдан (В) тўғри маслаҳат берапти: Агар (В) ёрдам бера олмаса ёки ёрдам бермаса,аксинча ёрдам беришни истамаса,унда жавобгар шахсга мурожат қилиш даркор.

2. 顾不上啦 -gu bu shang la- *Илтифотсизлик кўрсатмоқ,менсимай қарамоқ,писанд қилмаслик,назарга илмаслик.*(адабий номланиши: 捉襟见肘-zhuo jin jian zhou-бурни кўтарилган инсон. Синоним:保一头儿-bao yi tour бошни баланд кўтармоқ) деган маъноларга эга.⁶³

Мисол учун:

a) 老李呀, 那么多病人,你怎么只照顾这个呢-Lao li ya,na me duo bing ren, ni zen me zhi zhao gu zhe yi ge ne?

b) 她是我的女朋友, 别人的病 再重我也顾不上了-ta shi wo de nu peng you,bie ren de bing zai zhong,wo ye gu bu shang le.

a) Лаоли бу ерда касаллар жуда ҳам кўпку!

⁶³ А.А.Щукин 《Ходячие выражения китайского языка》 2004 год.

Бирок нима учун сен фақатгина битта касалга қараяпсан?

